БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 144 (1664)
22 ИЮЛЬ
ЖУМА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 тийин.

Бугун Тошкентда коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари мусобақаси илғорларининг республика кенгаши очилади.

Коммунизм пионерлари — коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларига шон-шарафлар бўлсин!

Коммунистлар ҳамиша авангард

Шу кеча-кундузда катта-кичик ҳар бир пахтакор ҳосил тақдири тўғрисида ўйламоқда ва шуни деб илк баҳордан буён жонини жаббборга бериб меҳнат қилмоқда.

Бу йил областимиз бўйича мамлакатга 500 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун бошланган мусобақа ҳозир ҳамма ерда кенг авж олиб кетди. Коммунистлар эса умумхалқ ҳаракатига айланган ана шу мусобақанинг ҳамиша олдинги сафида бориб, колхоз, совхоз ишлаб чиқаришининг ҳал қилувчи участкаларида шахсан намуна кўрсатиб ишламоқдалар.

Янгийўл районидаги Киров номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони коммунист Умарали Муҳамедов бошлиқ бригаданинг кенг қулоч қўйган пахта даласи. Яхлит карталарда баравар бўй тортган ва сададек шохлаб, мўл ҳосил тўплаётган ғўзалар бўлғуси баракали пахта хирмонларидан дарак бериб турибди. Бригада аъзолари бу йил 147 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экдилар. Кўкламги ноқулай об-ҳаво натижасида юз берган ҳамма қийинчиликларни сабот-матонат билан бартараф қилиб, барча майдонларда чигитнинг бир текис униб чиқишини таъминладилар. Бу орада қатқалоққа қарши курашишга тўғри келди, ғўзалар ўз вақтида яганаланди, озиқлантириш, культивация қилиш илгаригидек ҳозир ҳам сифатли ўтказилмоқда, кеча-кундуз қондириб суғорилмоқда ва пахтани машина билан теришга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Буларнинг ҳаммаси осонликча бўлаётгани йўқ. Бригада аъзоларининг гектаридан 50 центнер пахта етиштириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажариш йўлида олиб бораётган курашига коммунистлар бошчилик қилмоқдалар, улар қуруқ ваъзхонлик ва насиҳатгўйлик билан эмас, балки ўзлари ғайрат-шижоат кўрсатиб ишламоқдалар. Бригада аъзоларидан Қ. Сейсанбоев ва Б. Жалилов каби дала ишлари нормасини ҳар доим ошириб бажараётган коммунистлар шулар жумласидандир. Колхоз партия ташкилоти (секретари Ўртоқ Қолжонов) ҳисобида 150 дан ортиқ коммунист бор. Уларнинг асосий кўпчилиги колхоз ишлаб чиқаришининг ҳал қилувчи участкаларида фидокорлик ва юксак онглилик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Бироқ, областимиздаги айрим колхоз, совхозларнинг партия ташкилотлари ҳозирги долзарб кунларда омманинг мўл ҳосил етиштириш иштиёқида булоқдек мавж ураётган ижодий ташаббусига моҳирлик билан бошчилик қилмаётирлар, бу соҳада коммунистларнинг авангардлик роллни таъминламаётирлар. Баъзи партия ташкилотлари ҳисобида ҳали шундай коммунистлар ҳам борки, улар ўз партиявий бурчларини чуқур ҳис этмайдилар, шунчаки енгил-елпи ишлар билан шуғулланиб, ҳал қилувчи участкаларда бўлишни истамайдилар, мўл ҳосил етиштириш, олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришда ўзлари омманинг олдинги сафида боришлари лозимлигини кўп вақт унутиб қўядилар. Бу — коммунистнинг шаънига, партия аъзоси деган юксак номга мутлақо номуносибдир.

Ғулистон районидаги «Ленинград» колхозининг коммунист Исмат Неглиев бошлиқ бригада аъзолари бу йил 90 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Шуни унутмаслик керакки, ҳосил тақдири шу кунларда ҳал қилинади. Бироқ, бу бригадада ғўза парвариши ниҳоятда сифатсиз ўтказилмоқда, уни бегона ўт босиб кетиб, ривожланишдан анча орқада қолмоқда. Бу ерда меҳнат интизоми бўш, бригада аъзоларининг бир қисми ғўза парвариши юзасидан белгиланган нормани бажармаётир. Ўртоқ Неглиев эса коммунист сифатида ўзи шахсан жавобгар бўлган участкада ишни намунали йўлга қўйишда ташкилотчилик қилмаётир. Оммانинг ижодий ташаббусига моҳирлик билан бошчилик қилиши ва уни мўл ҳосил етиштириш учун курашга актив сафарбар этиши лозим бўлган колхоз партия ташкилоти ғўза парваришини кучайтириш ва бу соҳада коммунистларнинг авангардлигини оширишга етарли эътибор бермаётир.

Коммунист аввало ўзининг онглилиги, авангардлиги, топширилган иш учун жавобгарликни чуқур ҳис этиб, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатиши ва ўзи бошчилик қилаётган участкада моддий бойликлар ишлаб чиқаришни тобора кўпайтира бориши билан бошқалардан фарқ қилади. Шундай экан, коммунист деган юксак ном ким бўлиб хизмат қилишидан қатъий назар ҳар бир партия аъзоси зиммасига сабот-матонат кўрсатиб ишлаш, коммунистик қурилишнинг қайси бир соҳаси бўлмасин шахсан намуна кўрсатиш, консерватизм ва қолоқликка қарши кескин кураш олиб бориш, улуғвор етти йилликни муддатидан илгари бажариш учун авж олиб кетган социалистик мусобақанинг доимо олдинги сафида бориш вазифасини юклайди.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун олиб борилаётган курашнинг ҳозирги масъулиятли даврида партия ташкилотларининг вазифаси — омма ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни яхшилашдан, ҳар бир колхоз, совхозда ижодий меҳнат ва зўр ғайрат кўрсатиб ишлаш вазиятини вужудга келтиришдан, коммунистларга нисбатан талабчанликни ошириш, уларни партия ва давлат интизомига қаттиқ риоя қилиш руҳида, ўзига топширилган иш учун юксак жавобгарлик руҳида тарбиялашдан иборат.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорида таъкидлаб кўрсатилганидек:

Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари ҳаракатини янада ривожлантириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилиш, бу ҳаракат қатнашчиларининг сафини кенгайтириш, ана шу ажойиб ҳаракатни чинакам умумхалқ ҳаракатига айлантириш зарур. Коммунистлар ва комсомоллар бу ҳаракатнинг биринчи сафларида бўришлари ва меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишда шахсан намуна кўрсатишлари керак.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ САНОАТИ ЕТТИ ОЙЛИК ПЛАННИ БАЖАРДИ

Тошкент шаҳар ва Тошкент область саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини муваффақият билан амалга ошириш йўлида зўр ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Етти йиллиқнинг иккинчи йили топшириқларини ҳам муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақага қўшилган саноат корхоналарининг коллективлари янги, катта муваффақиятни қўлга киритдилар: Тошкент шаҳар ва Тошкент область саноати яппи маҳсулот ва энг муҳим буюмлар ишлаб чиқариш бўйича 1960 йилнинг етти ойлик планини муддатидан илгари — 20 июлда бажарди.

Ой охиригача саноат корхоналарининг коллективлари халқ хўжалиги учун пландан ташқари бир неча юз миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Шонли етти йиллиқнинг иккинчи йили планини шараф билан бажариш учун курашаётган Тошкент темир йўлининг кўп мингли коллективи меҳнатда янги ғалабани қўлга киритди — 20 июлда етти ойлик план бажарилди.

Н. С. ХРУШЧЕВнинг Р. Кастро билан учрашуви ҳақида ахборот

Куба Республикаси революцион қуролли кучлари министри Рауль Кастро СССРда бўлган вақтида у билан СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ўртасида Совет-Куба муносабатлари масалалари юзасидан ва бошқа муҳим халқаро проблемалар юзасидан фикр олишув бўлди.

Министр Р. Кастро Совет Иттифоқининг Куба халқини сиёсий ва маънавий жиҳатдан ғоят қўллаб-қувватлаётганлиги учун Куба Республикаси ҳукумати ва шахсан бош министр Фидель Кастронинг топшириғига биноан, Совет ҳукуматига қизғин ташаккур изҳор қилди.

Куба теварагида рўй берган халқаро вазият тўғрисида фикр олишиш жараёнида шу нарса таъкидланди, кейинги вақтлардаги фактлар АҚШдаги муайян доиралар Кубага қурол кучи билан бостириб кириш планларидан воз кечмаганликларини ва Куба Республикасининг озодлиги ҳамда мустақиллигини куч ёрдами билан бўғиб ташлаш мақсадида доим таҳдид қилаётганликларини кўрсатади.

Н. С. Хрушчев Латин Америкаси мамлакатларининг ҳукуматлари ўз халқларининг қатъий иродаси билан ҳисоблашишлари ва Америка монополиялари ва милитаристларининг Кубага қарши қора ниятларини амалга оширишда қатнашишга йўл қўймасликлари лозим, деб ишонч билдирди.

Совет халқи, деди Н. С. Хрушчев, Куба халқининг кураши билан тамомила бирдам эканлигини изҳор қилади. Барча халқлар Куба Республикасини қўллаб-қувватлайдилар ва иқтисодий қамал ҳалқасини парчалаб ташлашда унга ёрдам берадилар, деб қатъий ишонч билдирилди.

Н. С. Хрушчев Совет Иттифоқи АҚШнинг Куба Республикасига қарши қуролли интервенциясига йўл қўймаслик учун барча чоралардан фойдаланади, деб таъкидлади.

Министр Р. Кастро Н. С. Хрушчевни ҳукумат визити билан Куба Республикасига келишга яна дўстона таклиф қилди. Н. С. Хрушчев Кубага бориш ниятини яна таъкидлади. СССР Министрлар Советининг Раиси Куба Республикаси бош министри Ф. Кастрони Совет Иттифоқига келишга таклиф этганлигини яна такрорлади.

Н. С. Хрушчев сўзининг охирида Куба халқининг адолатли иши ғалаба қилади, деб ишонч билдирди.

Фикр олишиш вақтида СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян қатнашди. (ТАСС).

Самимий табриклар

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Эстония Коммунистик партияси Марказий Комитети, Эстония Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиуми ва Эстония ССР Министрлар Советига табрикнома юбордилар. Улар бу табрикномада Эстония ССРнинг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашларини шонли тарихий воқеа билан — Эстония ССРда Совет ҳокимияти тикланганлигининг 20 йиллиги билан қизғин табриклайдилар ва қутлайдилар.

Табрикномада айтиладики, бундан йигирма йил муқаддам Эстония меҳнаткашлари Коммунистик партия етакчилигида, Совет Иттифоқи халқларининг ёрдами билан реакцион буржуа тузумини ағдариб ташладилар, Советлар ҳокимиятини тикладилар ва Эстония Совет Социалистик Республикасини барпо қилдилар. Озод эстон халқи капитализм кишанларини улоқтириб ташлаб ва ўз тақдирига хўжайин бўлиб олиб, СССР халқларининг қардошлик оиласига қўшилди ва янги, социалистик ҳаёт қурилиши йўлидан олға қараб дадил қадам қўйди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ишонч билдириб айтадиларки, Эстония халқи Совет Иттифоқининг барча халқлари билан биргаликда етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун, порлоқ келажак — коммунизм учун янада зўр ғайрат ва ижодий куч билан кураш олиб боради.

* * *

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Латвия Коммунистик партияси Марказий Комитети, Латвия ССР Олий Совети Президиуми ва Латвия ССР Министрлар Советига табрикнома юборди, бунда республика меҳнаткашларини шонли тарихий воқеа билан — Латвияда Совет ҳокимияти тикланганлигининг 20 йиллиги билан қизғин табриклайдилар.

Табрикномада бундай дейилади: Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг изчиллик билан амалга оширилиши, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги социалистик ўзаро ёрдам ва бузилмас мустаҳкам дўстлик натижасида ўтган 20 йил ичида Латвия ССРда экономика ва маданият соҳасида жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қатъий ишонч билдириб айтадиларки, латиш халқи етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун, республика экономикаси ва маданиятини янада гуллаб-яшнатиш учун, коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этиш учун янада кўпроқ ғайрат билан курашадилар.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Литва Коммунистик партияси Марказий Комитети, Литва ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советига табрикнома юборди, бунда Литва ССР ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашларини Литвада Совет ҳокимияти тикланишининг 20 йиллиги билан қизғин табриклайдилар.

Бундан 20 йил муқаддам, дейилади табрикномада, Коммунистик партия раҳбарлигида Совет Иттифоқи халқларининг бегараз ёрдами билан Литва меҳнаткашлари манфур фашист диктатурасини ағдариб ташладилар ва Литва ерида Совет ҳокимиятини қайта тикладилар. Литва халқи СССР халқлари улуғ ва бузилмас қардошлик оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолди. Ўтган 20 йил ичида Литва ССР коммунизм йўлидан ишонч билан бораётган ва гуллаб-яшнаётган индустриал-колхозлашган республикага айланди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Литва халқига саноат ва қишлоқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантириш учун, фаровонликни муттасил ошириш учун курашда янгидан-янги муваффақиятлар, коммунизм қурилишида янгидан-янги зафарлар тилайдилар. (ТАСС).

Бекободлик турсунойчилар

Рухсатой даладан қайтиб келар экан, онаси Нозик хола одатдагидек уни самимий қарши олди.

— Келдингми, болам, бўйларингга тасаддиқ. Юз-қўлингни ювиб ўтира қол, ман ҳозир овқатингни олиб келаман.

Кампир кенг енгларини тирсагигача шимариб, ошхонага кириб кетди. Рухсатой дастурхонга келиб ўтирар экан, ҳали яқиндагина колхоз почтальони ташлаб кетган газетани қўлига олди. Қўлига олди-ю унга узоқ тикилиб қолди. Газетадаги бир қизнинг сурати унинг эътиборини ўзига жалб этган эди. Ҳа, бу қизни Рухсатой танийди. У ўша, чинозлик машҳур механизатор Турсуной Охунова.

Турсунойнинг ўтган йил мавсумда машина билан 210 тонна пахта терганини ким билмайди, дейсиз. У ўзининг меҳнатдаги жасорати билан ҳаммани хайратда қолдирди, жуда кўп йигит ва қизларнинг юрагига ғулғула солиб қўйди. Рухсатой ҳам Турсунойнинг тенгдоши. У машҳур механизаторнинг суратига яна бир разм солди. Турсуной худди унга қараб турғандек «Қани ўртоқжон, бизнинг сафимизга ўтинг, бел оғритиб пахта терадиган даврлар ўтиб кетди», деяётгандек эди.

Очиғини айтганда, Рухсатой ҳам кўпдан бери ана шу ҳақда ўйларди. Бугун билсаки, колхозда бир у эмас, балки жуда кўп дугоналари ҳам шу фикрга келишган экан. Улар Бекобод шаҳридаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактабига ўқишга кетишмоқчи бўлишибди. Рухсатой ўшалар билан — Турсунойнинг издошлари билан бирга бўлишни хоҳлайди. Лекин онаси нима дер экан? Ғап шу ерга келиб тўхтаган эди.

Рухсатой кўрсаки, кампирнинг кайфи жуда чоғ. Пайтни қўлдан бой бермай, у онасига ўз мақсадини айтди. Олдинига Нозик хола бир чўчиб тушди.

— Вой болам-ей, қаёқдаги йўқ гапларни гапирасан-да. Ахир машина минмасанг ҳам колхозда обрўйинг каттаку. Йилига 15 тоннадан пахта тераётган бўлсанг, яна нима дейсан. Бу, ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди-ку!

— Сиз ҳам, онажон, қизиқ гапларни гапирасиз, 15 тонна қаёқдаку, 210 тонна қаёқда. Ўртоқларим кетишаяпти, шу пайтгача манман деганлар билан беллашиб юрардим, энди улардан орқада қолиб кетаймми?!

Кампир ниҳоят розилик берди. Рухсатой ўз тенгқурлари билан Бекободга жўнаб кетди...

Гап билан бўлиб мактабга етиб келганларини ҳам билмай қолишди. Кампир дарвозадан ичкарига кириши билан ханг-манг бўлиб қолди. Каттагина ҳовлида пахта териш машиналари, юк машиналари, сеялкалар ва яна бошқа аллақандай машиналар саф-саф бўлиб чизилиб турган эди. Нозик хола уларга маҳлиё бўлиб турганида, ҳовлининг нариги томонидан гулдираган мотор овози эшитилди. У қайрилиб қаради, қаради-ю турган ерида қотиб қолди. Қайси кўзи билан кўрсин, унинг Рухсатойи, ҳа ўшанинг ўзи, унинг жигар гўшаси филдек улкан ҳаворанг пахта териш машинасини енгилгина ҳайдаб келаётган эди...

Пахта йиғим-теримини механизациялаш учун кураш бошланганида, бекободлик қирқ қиз ҳам «Этакни ташлаб бункерга ўтамиз, пахтани қўлда эмас, машинада терамиз, биз ҳам Турсунойдек бўламиз» деб отилиб чиқишди. Ўтган йил мавсумда 12—14 тоннадан пахта терган Дзержинский номли колхоздан Зайнабхон Ғоипова, Умманой Жониқулова, Фотимахон Исаева, Навоий номли колхоздан Рухсатой Йўлдошева ва бошқалар шулар жумласидандир. Мактабга келганларига мана хашпаш дегунча беш ой бўлибди. Шу давр ичида тажрибали ўқитувчилар ёрдамида кечагина этакда пахта териб юрган чевар қизлар бугун механизатор бўлиб қолдилар. Улар пахта териш машинасини ҳайдашдан ташқари ғўза парваришига доир агрономия билимларини ҳам эгалладилар, тузуккина слесарь бўлиб ҳам олишди.

Яна бир ойдан кейин қизлар мактабни тамомлашади. Қўлларига «Пахта териш машинасининг механиги» деган гувоҳнома олишади. Бу гувоҳнома катта ва кенг ҳаётга йўлланмадир. Шу мавсумдаёқ Зайнабхон, Умманой, Рухсатой ва бошқалар ўз устозлари Турсуной билан беллашишмоқчи. Зайнабхон бу йил 150 тонна, Рухсатой 120 тонна, Умманой эса 200 тонна пахта теришга аҳд қилган. Ҳимматингизга балли, азамат қизлар!

Бекободлик турсунойчиларга Турсунойдек бўлиш йўлида чин кўнгилдан муваффақиятлар тилаймиз.

И. СУЛАЙМОНОВ.

Бўлажак турсунойчилар — Бекободдаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактабининг ўқувчилари (чапдан ўнгга) Р. Йўлдошева, З. Ғоипова, Ф. И. Исаева ва У. Жониқулова ўртоқлар чинозлик машҳур механизатор, Турсуной Охуновага мактуб ёзмоқдалар.

В. Салов фотоси.

СССРнинг Конго Республикасига ёрдами тўғрисида

(ТАСС АХБОРОТИ)

Совет ҳукумати совет халқининг Конго халқига нисбатан дўстлик, қардошлик туйғуларига амал қилиб, Конго Республикасига озиқ-овқат билан ёрдам беришга қарор қилганлиги тўғрисида матбуотда хабар берилган эди.

19 июль эрта билан учта ИЛ-18 самолёти Москвадан парвоз қилиб, Рим—Работ-Аккра орқали Леопольдвилга учиб кетди. Совет ҳукумати томонидан Конго Республикасига юборилаётган озиқ-овқатларнинг биринчи партияси ана шу самолётларга ортилган. «Лениногорск» пароходи яқин кунларда буғдой, қанд-шакар ва қуюлтирилган сут ортиб Одессадан Конгога жўнайди.

Гана ҳукумати СССР нинг Аккрадаги элчихонаси орқали Совет ҳукуматига мурожаат қилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг қарорига мувофиқ, Конго Республикасига юбориладиган Гана қўшинларини Конго Республикасига жўнатишда ёрдам беришни илтимос қилди.

Совет ҳукумати Гана ҳукуматининг ана шу истакларини қўллаб, бу илтимосни қондиришга қарор берди.

Шу мақсадда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

Учта ИЛ-18 совет самолёти ёрдам тариқасида юборилаётган озиқ-овқатни Москвадан Леопольдвилга (Конго Республикаси) етказиб берганидан кейин Аккрага жўнатилади ва Гана қўшинларини Аккрадан Леопольдвилга ташиш учун зарур бўлганича қатнайди. Бундан ташқари, Гана қўшинларини ташиш мақсадида Совет ҳукумати Гана ҳукуматининг ана шу илтимосига мувофиқ, қўшимча равишда иккита ИЛ-18 самолёти ажратди. Бу самолётлар Ганага етиб бориши биланоқ Гана қўшинларини Конго Республикасига ташишга киришади.

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ МОСКВА ХАЛҚА ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИНИ БОРИБ КЎРДИЛАР

Л. И. Брежнев, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин, А. И. Микоян, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев ўртоқлар 19 июлда Москва автомобиль халқа йўли қурилишининг янги Рязань тош йўли билан чорраха районидаги участкаларидан бирини бориб кўрдилар.

Бу йўл қурилишини кўздан кечиришда транспорт қурилиши министри Е. Ф. Кожевников, СССР Госстройининг раиси В. А. Кучеренко, КПСС Марказий Комитети қурилиш бўлимининг мудири И. А. Гришманов, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари П. Н. Демичев, Москва Совети ижроия комитетининг раиси Н. И. Бобровников, Москва шаҳрининг бош архитектори И. И. Ловейко ва бошқалар қатнашдилар.

Йўл қурилиши бошқармасининг бошлиғи А. М. Сицкий изоҳ бериб турди. (ТАСС).

Озарбайжон пахтакорлари делегацияси Ўзбекистонга келди

Озарбайжон ССР пахтакорларининг 17 кишидан иборат делегацияси 20 июль кечқурун Бокудан Тошкентга келди. Делегацияга Озарбайжон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари А. К. Оруджев бошчилик қилмоқда.

21 июлда Озарбайжон пахтакорлари делегацияси икки группага бўлиниб, Фарғона водисига жўнаб кетдилар. Қардош республика пахтакорлари делегацияси Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари етти йилликнинг иккинчи йилида пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун мусобақада ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини қай тарзда бажараётганликларини кўздан кечирадилар. (ЎзТАГ).

Кейинги кунларда Нозик холанинг юраги бетинч бўла бошлади. Ҳа, она-да, унинг кўнгли доим болада бўлади. Боласининг эса уйдан кетганига мана хаш-паш дегунча уч ой бўлибди. Кампир ортиқ чидаб туролмади. Қандайдир бир ички туртки билан ўрнидан ирғиб турди-ю Бекободга қараб йўл олди. Станцияга келиб, механизация мактабини суриштириб турган эди, бир қиз келиб онани етаклаб қолди.

— Мен ўша ерда ўқийман, Дзержинский номли колхоздан келганман. Қизингизнинг ати нима? — сўради у йўлда кетатуриб кампирдан.

— Рухсатой Йўлдошева, Навоий колхозидан, мана шу шаҳарнинг биқинидамиз.

— Э, Рухсатой денг, бўлди-бўлди. Ҳозир улар машинани шундай пилдиратиб ҳайдаяптиларки, асти қўяверинг.

Коммунизм учун курашнинг байроқдорлари

Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари мусобақаси илғорларининг республика кенгашига

☆

Фахрли номни олиш учун

— Қишлоқ хўжалигига кўплаб минерал ўғитлар етказиб берайлик! Чирчиқ электрокимё комбинати минерал ўғитлар цехи коллективи ана шу шиор остида меҳнат қилмоқда. Биз коммунистик меҳнат цехи деган фахрли номни олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилдик. Бунинг учун ўз зиммамизга ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш бўйича юксак мажбуриятлар олиб ишламоқдамиз. Бу ҳар бир ишнинг кўплаб ва сифатли минерал ўғит ишлаб чиқаришдаги масъулиятини анча оширди. Бир ёқадан бош чиқариб ишлаш натижасида ойлик топшириқларни мунтазам равишда ошириб бажаришга муваффақ бўлаяпмиз. Фақатгина июнь ойида пландан ташқари бир неча юз тоннадан ортиқ ўғит ишлаб чиқардик. Кўплаб электр қуввати ва хомашёларни тежадик.

Коммунистик меҳнат цехи номини олиш учун бошланган курашга муносиб ҳисса қўшаётган кишиларимиз ҳақида алоҳида гапириб ўтмоқчиман. Болтабой Носиров номини комбинат коллективигина эмас, мамлакатимиз азот саноатининг ходимлари ҳам яхши билишади. Ўз касбининг ички-чикирларигача пухта эгаллаган, ижодий изланиш билан ишимизнинг баракали бўлишига муносиб ҳисса қўшаётган бу камтар ишчи икки марта «Совет Иттифоқи азот саноатининг энг яхши аппаратчиси» деган юксак номни олди. Ҳозир ўртоқ Носиров сменага раҳбарлик қилмоқда. Унинг сменаси ой сайин ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ошириб бормоқда. Технология режимига аниқ риоя қилиш натижасида кўплаб буғ ва электр қуввати тежаб қолмоқда.

Ремонтчи слесарлар бригадасининг раҳбари Г. Санжаров меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам бермоқда. Унинг амалга оширилган ўнлаб рационализаторлик таклифлари оғир ишларни енгиллаштириш, иш жараёнларини янада механизациялаш имконини бераётир. Бу донгдор слесарь ўзининг кўп йиллик ҳалол меҳнати учун Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан мукофотланди. Июнь ойида у раҳбарлик қилаётган бригада ускуналарнинг ремонт вақтидаги бекор туришини 36 процент камайтирди.

Тумасов, Овчаренко, Бистров ўртоқлар бошчилигидаги бригадаъзолари, машинистлардан Попова, Анисимов, аппаратчилардан Зайдинова, Белякова ва бошқа ўнлаб ишчиларнинг унумли меҳнати ҳам мақтовга сазовордир.

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг тарихий қарорлари барча совет халқи каби цехимиз коллективини ҳам ишлаб чиқаришда янги муваффақиятларга руҳлантириб юборди. Бу қарорларга жавобан пахтакорларимиз эҳтиёжлари учун кўплаб минерал ўғитлар етказиб бериш йўлида астойдил меҳнат қиламиз, етти йиллигининг иккинчи йили топширигини муддатидан илгари бажарамиз.

Г. ЯСТРЕБОВ,
Чирчиқ электр кимё комбинати минерал ўғитлар цехининг слесари.

Пойтахтимиздаги изолятор заводининг илғор ишчиси Нуриддин Рихсиев коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун курашнинг олдинги сафларида бормоқда. У смена топшириқларини муттасил 200-220 процент га етказиб адо этаётир. Суратда: ўртоқ Н. Рихсиев. М. Нуриддинов фотоси.

Сафимиз янада кенгайсин

Тошкент темир йўл магистрали станциялари, деполари ва устахоналарида коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун бошланган ҳаракат кун сайин авж олмоқда. Бу ватанпарварлик ҳаракатида мингга яқин бригада, смена, цех ва корхоналар коллективлари актив иштирок этишаётир. Ўз ваздасининг устидан чиққан, ишда, юриш-туришда касбдошларига ўрнак бўлаётган, бир даврасини тинмай ошириб бораётган жуда кўп темирйўлчилар коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни олишга муяссар бўлдилар.

Тошкент тепловоз депосининг ўртоқ Н. А. Зазулин бошчилигидаги комсомол-ёшлар колоннаси кўп минг кишилик коллектив ўртасида катта обрў орттирди. Колоннанинг ёш тепловозчилари оғир юкли поездларни бошқариш ҳисобига белгиланганига нисбатан юзларча минг тонна кўп халқ хўжалиги юклари ташидилар, кўплаб ёқилғини тежаб қолишди. Колоннанинг барча аъзоси ўрта мактабда, техникум ва олий ўқув юртларида ўз билимларини оширмоқдалар. Урсатьевск станциясидаги КПСС аъзоси Н. Лутфуллин раҳбарлик қилаётган вагонларни уловчи бригада коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номни биринчилар қатори олишга муваффақ бўлди. Бригада аъзолари поездларни тузиш топширигини 180 процентга етказиб адо этишмоқда.

Темир йўлда коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган корхоналар ҳам кўп. Тошкент пассажир ва Салор станциялари коллективлари шулар жумласидандир.

Тошкент темир йўл магистрали коммунистик меҳнат бригадаси ва зарбдорлари мусобақаси илғорларининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида ана шулар ҳақида батафсил гапирилди. Кенгаш қатнашчилари бу ватанпарварлик ҳаракатини янада кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва етти йилликкнинг иккинчи йили топширигини муддатидан илгари бажариш бўйича янги оширилган мажбуриятлар олишди.

Шунингдек, пойтахтимизнинг Куйбишев районидаги саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида фидокорона меҳнат қилаётган коммунистик меҳнат бригадаларининг умумрайон кечаси бўлиб ўтди. Кечада сўзга чиққан 1917 йилдан бери КПСС аъзоси ўртоқ П. Г. Гайсинский совет давлати барпо этилган дастлабки вақтлардаги коммунистик шанбаликлар ҳақида қизиқ қилиб берди. «Ташкентқабель» заводи комсомол ташкилотининг секретари Нина Маркевич, «Ташсельмаш» заводи коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси Валентин Котов ўртоқлар ўз корхоналарида коммунистик меҳнат бригадаси ва зарбдори номини олиш учун астойдил курашаётган пешқадам ишчиларнинг меҳнати ҳақида гапиришди.

Н. КРАВЧЕНКО,
Ф. ЛЕВ.

ФАХРЛАНСА АРЗИЙДИ

Бригада аъзолари агрегат поршенларини ремонт қилиб бўлиб, энди овқатга чиқмоқчи бўлиб турганда Овчаровни цех бошлиғи хонасига чақириб қолишди.

— Менга қара, Алексей, — деди Сайфулла Ҳасанов Овчаровни тўхтатиб, — затвор масаласини албатта гапир. Йўқ дейишса унама. Сменадан кейин қолиб бўлса ҳам уни ишга туширамиз, дегин.

Орадан 20 минутлар чамаси вақт ўтди. Алексей хонадан чиқиб тўпланиб турган ҳамкасблари даврасига шошилди.

— Ишимиз ўнгидан келди, — Алексейнинг оғзи қулоғида эди. — Рози бўлишди. Асбоб-ускуналар ва дастгоҳлардан тўғри фойдаланиш бўйича йиғилиш бўлаётган экан. Мен ҳам сўз олиб, пар билан ишлайдиган затворли агрегат ҳақида гапирдим. Эскиси ташқарида занглаб яроқсиз бўлиб ётганлигини айтдим, «Бригадамиз ўшани «қайтадан тирилтиришга» аҳд қилди. Рухсат берилса бас, 5-6 кун ичида уни ишга туширамиз» дедим. Бу гап ҳаммага маъқул бўлди. Эртадан бошлаб уни тиклашга киришадиган бўлдик.

Бригадирнинг бу сўзлари ҳаммани қувонтириб юборди. Нега ҳам қувонишмасин?! Ахир бу агрегат туфайли корхона қанчадан-қанча фойда кўради. Агрегат цехга ўрнатилса, ҳар томонлама фойдаси бор. Энг муҳими—иш процессида деярлик узилиш бўлмайди. Борди-ю, узлуксиз вулканизация агрегатининг бирор иш органи бузилгудек бўлса, маҳсулот тайёрлаш процесси тақатақ тўхтаб қолади. Унинг кам-кўстини, тузатгунча камида бир соат вақт кетади. Ваҳоланки, бу вақт ичида бир неча ўнлаб метр кабель ишлаб чиқарилади.

Тунов куни ҳам шундай бўлган эди. Ўртоқ Овчаров бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари сменадан сўнг Сайфуллаларникига йиғилишга келишиб қўйишган эди.

Ҳа деганда меҳмонлардан дарак бўлмади. Сайфулла яна кутди. Бўлмади. Сабри чидамай тўғри заводга борди.

— Чакки бўлди-да, — деди Николай Лунев Сайфуллани воқеадан хабардор қиларкан. — Энди дарвозадан ташқарига чиққан ҳам эдикки, узлуксиз вулканизация агрегати тўхтаб қолганини маълум қилишди. Қайтиб келиб қарасак, ҳақиқатан ҳам резинкани симга қопловчи пластинканинг кичик барабани эзилиб кетиб, трубадан кабель ўтмай қолибди. Дарҳол ремонтга тушиб кетдик...

Сайфулла ҳам жим қараб турмади, енг шимариб ремонтга киришиб кетди. Бир ярим соат деганда агрегат яна ишлай бошлади...

Орадан 2 — 3 кун ўтди. Тушки овқат вақтида Сайфулла ҳамкасбларига гап очиб қолди.

— Агрегатни бузилади ёки бузилмайди деб бўлмайди, — деди у. — Ишда узилиш бўлмаслиги учун бирор муҳим тадбирни амалга оширишга тўғри келади.

— Сайфулланинг гапи ўринли, — деди Николай Шадрин.

— Бир нарсани кўпдан бери ўйлаб юрардим, — деди шунда Алексей, — ҳозир ўшани сизларга айтмоқчиман. Цехимиз ҳовлисида ташландиқ бўлиб ётган поршенли агрегатдан фойдаланса демоқчиман. Бунинг учун уни бошдан-оёқ қайтадан тиклашга тўғри келади. Бу бизнинг қўлимиздан келармикан?

— Қўлимиздан келади, — деди Сайфулла қатъий, — Мен бу агрегатда аввал ишлаганман.

Шу-шу бўлди-ю пар билан ишлайдиган затворли агрегатни цехга ўрнатиш тараддуди кўрила бошланди. Мана бугун уни қайтадан тиклашга рухсат берилди ҳам...

Биз куни кеча «Ташкенткабель» заводида бўлиб, ўртоқ Овчаров бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси иши билан танишдик.

— Бу азаматларнинг ишидан кўнглимиз тўқ, — деди 20- цех бошлиғининг ўринбосари ўртоқ М. А. Арикянц фахрланиб. — Уларни цехимизнинг ўнг қўли десак ҳам бўлади. Нега деганда, цехдаги барча дастгоҳ ва агрегатларнинг яхши ишлаши, қоларверса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлиши ана шу ремонтчилар бригадасига боғлиқ. Ҳозирги кунда улар энг муҳим ремонт иши билан банд. Булардан бири пар билан ишлайдиган затворли агрегатнинг ремонти эди. Уни бутунлай тамом қилишди ҳам. Мен сизга айтсам, бу—бригаданинг КПСС Марказий Комитетининг Пленумига совғаси бўлди.

Маҳсулоти ҳаётга нур йўлловчи улкан корхона чиндан ҳам бу илғор коллектив билан фахрланса арзийди.

А. АЛИЕВ.

☆

Куч-қувватимизни аямаймиз

Социалистик экономикамиз мисли кўрилмаган суръат билан илгарилаб бормоқда. Жонажон партиямиз Марказий Комитетининг яқиндагина ўз ишини тамомлаган Пленуми фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва шу йўл билан саноат ҳамда транспортни янада зўр бериб юксалтиришнинг улкан программасини белгилаб берди. Пленум қарорлари етти йилликни муддатидан илгари бажариш учун курашаётган совет кишиларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб юборди.

Тошкентдаги 4-мебель фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партиямизнинг тарихий қарорларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

Партиямиз бизни техника тараққиётини янада тезлатиш учун, саноат ва транспортнинг ишида сифат кўрсаткичларини ошириш учун, етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашда ижодий ташаббусни янада юксак даражага кўтаришга чақирмоқда.

— Биз ҳамиша бўлганидек бу сафар ҳам, — дейди фабрикамизнинг ҳар бир ишчиси, — партиямиз чақириқларини бажонидил қабул қиламиз ва у белгилаган улуғвор режаларни амалга ошириш учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

Корхонамизнинг цех ва участкаларида етти йилликни муддатидан илгари бажариш учун бошланган мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Коллективимиз ярим йиллик топшириқни муддатидан анча илгари бажарди ва меҳнаткашлар учун кўп миқдорда мебель буюмлари ишлаб чиқарди. Партиямиз Марказий Комитетининг Пленуми оғир саноатни юксалтириш билан бир қаторда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кенгайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш зарурлигини таъкидлади. Коллективимиз ана шу кўрсатмаларни амалга ошириш учун бир қанча тадбирларни белгиламоқда.

Р. НАЗИРБЕКОВ,
Фабриканинг тайёрлов цехи ишчиси.

Ягона мақсад йўлида

Янгийўл гўшт комбинати шаҳарнинг пешқадам корхоналардан бири ҳисобланади. Коллектив ишлаб чиқариш жараёнларини тинмай механизациялаш ва автоматлаштириш, янги техника воситалари ва прогрессив технологияни кенг жорий қилиш, илғор иш методларини кенг қўлланиш натижасида давлат планларини муваффақиятли бажармоқда. Йил бошидан бери пландан ташқари бир неча миллион сўмлик гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтиришда ҳам дуруст кўрсаткичларга эришилди.

8 ойлик планни муддатидан илгари бажариб, шу кунларда сентябрь ойи ҳисобига маҳсулот берётган коллектив коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун курашни қизитиб юборди. КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг кўрсатмаларини тўла-тўкис амалга ошириш учун астойдил бел боғлаган коллектив қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш йўлида фидокорона ишламоқда.

Б. МИРЗААҲМЕДОВ.

Қурилишлар учун

Оҳангарон шаҳридаги цемент заводининг меҳнатсевар коллективи етти йиллик қурилишларига кўплаб бинокорлик материали етказиб бериш учун курашни кун сайин қизитмоқда. Иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш планлари мунтазам ошириб адо этилмоқда.

Корхона ишчилари шу йилнинг биринчи ярми учун белгиланган топшириқни муддатидан 7 кун илгари бажардилар ва қўшимча равишда республикамиз қурилишларига мингларча тонна цемент етказиб бердилар.

Ўзаро социалистик мусобақада мастер Райимқул Ҳамратқулов раҳбарлигидаги смена коллективи пешқадамликни ўз қўлида сақлаб келмоқда. Меҳнатни пухта ташкил этиш, ҳар бир ишчининг баракали ишлаши учун зарур шароитларнинг яратиб берилиши натижасида смена аъзолари топшириқни бир ярим бараварга етказиб бажармоқдалар.

Корхонани реконструкция қилиш ишлари ҳам қизғин олиб борилаётир. Цемент, хомашё, майдалаш бўлимлари юқори унумли янги агрегатлар билан қайта ускуналанмоқда.

Ф. ПЕТРОВ.

Болтиқ бўйи республикаларининг шонли байрами

СОВЕТ ЭСТОНИЯСИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ

Эстония ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Э. К. ПУСЭН билан суҳбат

Республикамиз меҳнаткашлари катта байрамни — Совет Эстониясининг 20 йиллигини кутиб олмоқдалар. Шу куни Таллинда жуда катта ашула байрами ўтказилади. Бу байрамда 30 минг ашулачи ўз қўшиқларида социалистик Ватанни, партияни, ўз бахтиёр ҳаётларини шарафлайдилар. Бу қўшиқлар қувончли, ҳаяжонли қўшиқлар бўлади. Совет ҳокимияти даврида-гина Эстония суверен давлатга, СССР халқларининг қудратли оиласидаги тенг ҳуқуқли социалистик республикага, индустрияси юксак даражада ривожланган ва илғор қишлоқ хўжалигига эга бўлган республикага айланди.

Саноат 1940 йилга нисбатан ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни 10,3 баравар кўпайтирди. Ўтган йили саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсишигина урушдан олдинги охирги йилдаги бутун ялпи маҳсулот ҳажмига тенг бўлди. Сланец чиқариш ва кимё саноати, машинасозлик ва приборсозлик айниқса тез ривожланмоқда. Республикада ҳозир электр двигателлари, автогрейдерлар, экскаваторлар, нефтни қайта ишлаш заводлари учун, тепловой электростанциялар учун асбоб-ускуналар, контроль-ўлчов асбоблари ва бошқа кўпгина нарсалар ишлаб чиқарилмоқда. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш муттасил кўпаймоқда.

Илгари Эстонияни камситиб, «картошка» ёки «ботқоқликлар» республикаси деб атар эдилар. Эндиликда колхоз қишлоқларимизни ишларнинг кенг миқёсда электрлаштирилганлиги ва механизациялаштирилганлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг тез ўсиши характерлайди. Далаларимизда 10 мингдан ортиқ трактор, мингларча комбайнлар ва бошқа машиналар ишламоқда.

Тезда Эстонияда деҳқонларимизнинг азалий душмани — ботқоқликлардан асар ҳам қолмайди. Совет ҳокимияти йилларида 300 минг гектар ботқоқ ва зах ерлар қуритилди. 1975 йилгача ҳамма 700 минг гектар ботқоқлик ерни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик оборотига киритиш кўзда тутилади. Бу эса, республикада экин майдонларини икки баравар кенгайтириш имконини беради.

Эстония аҳоли жон бошига сут ва гўшт етиштириш жиҳатидан Финляндия, Швеция, Голландия сингари чорвачилик юксак даражада ривожланган капиталистик мамлакатлардан бундан 3 йил илгариёқ ўзиб кетди. Аҳоли жон бошига сут етиштириш эса АҚШдагидан икки баравар кўпдир.

Эстония маданий ҳаётида ҳам кўпгина ажойиб ўзгаришлар рўй берди. Урушдан кейинги даврда тайёрланган инженерлар буржуа ҳокимияти ҳукмронлик қилган ҳамма даврдагига нисбатан 21 баравар кўп бўлди. Эстония ССР Фанлар академияси ташкил этилди, унинг составида 20 илмий текшириш муассасаси бор. Эстония совет ёзувчилари ва рассомлари ўз асарлари билан совет маданияти хазинасини бойитдилар. Бадиий ҳаваскорлик жуда ривожланди, бунда 100 мингдан кўпроқ киши қатнашмоқда.

Эстон халқи ўз байрамини муносиб кутиб олмоқда: республика саноати биринчи ярим йиллик планни муддатидан илгари бажарди, давлатга асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш бўйича ярим йиллик топшириқ ортиғи билан бажарилди.

Буюк етти йилликдан илҳомланган ва коммунизм қураётган совет кишиси нақадар кўп иш қилиши мумкинлигини Совет Эстониясининг донгдор кишилари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — сувоқчи Кристьян Кярбер, машинист Александр Парж, чўчқабоқар Ольга Эванен, ўқитувчи Анна Ярв, бригадир-машинасоз Ян Кярди ва бошқаларнинг меҳнати яққол кўрсатиб турибди.

20 ёш — новқирон ёшлик, битмас-туганмас ғайратга тўлган ёшликдир. Эстон халқи инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм қурилишида зўр ғайрат билан иштирок этмоқда. (ТАСС).

ЯШНАЁТГАН СОВЕТ ЛИТВАСИ

Литва ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. И. ПАЛЕЦКИС билан суҳбат

Ўзи бунёдга келган куннинг йигирма йиллигини нишонлаётган Совет Литвасида яратувчилик пафоси ҳукм сурмоқда. Помешчик ҳамда капиталистларнинг манфур зулмини 1940 йилда улоқтириб ташлаган Литва халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида, совет халқларининг улуғ қардошлик силасида коммунизм сари бормоқда.

Ўтмишда капиталист Европанинг кўшимча ўлкаси бўлган Литва эндиликда гуллаб-яшнаган социалистик индустриал-колхоз республикасидир.

Саноат ишлаб чиқаришининг структураси тубдан ўзгарди. Металл ишлаш ва машинасозлик саноати 1959 йилда 1940 йилдагига нисбатан ўн баравар кўп маҳсулот берди. Литва корхоналарининг фабрика тамғаси солинган машина ва приборлар қардош совет республикаларининг ҳаммасига жўнатилиб турибди. Бу машина ва приборларни халқ демократияси мамлакатларида, капиталистик давлатларда ҳам учратиш мумкин.

Шаҳарларимиз тез суръатлар билан ўсмоқда. Бутун Литвада янги қурилишлар авж олдириб юборилди. Йигирма йил мобайнида саноатда ишлаётган қишларнинг сони беш баравардан кўпроқ, олий ва махсус ўрта маълумотга эга бўлган мутахассислар сони эса тахминан тўрт баравар кўпайди.

Буржуа Литвасида шаҳарлар ниҳоят секин ривожланар эди, чунки уларнинг ўсиши учун табиий негиз йўқ эди. Литва саноатининг биринчи жаҳон уруши олдидан бошланган тараққиёти бутун Россиянинг индустриал тараққиёти билан чамбарчас боғланган эди. Буржуазия томонидан ўзларининг табиий иқтисодий илдизларидан юлиб олинган, чет эл капиталига қарам қилиб қўйилган Литва саноати турғунлик ҳолатини кечирар эди.

Қишлоқлардаги аҳвол ҳам тузук эмас эди. Неча юз минглаб деҳқонлар ўз юртларида иш тополмас эдилар. Қишлоқ камбағалларидан юз мингга яқин киши океаннинг нариёғига жўнаб кетишга мажбур бўлди.

Колхоз тузуми Литва деҳқонларини бахтли ҳаёт қуришнинг кенг ва ёруғ йўлига олиб чиқди. Шу нарсани айтмоқ кифоя қиладики, Совет ҳокимияти йилларида қишлоқ хўжалигимиздаги энергетика қуввати беш баравар ошди.

Колхозларнинг жамоат хўжалиги мустаҳкамланмоқда, уларнинг бойлиги ошмоқда. Қишлоқ хўжалик артелларининг пул даромадлари 1953 йилдаги 369 миллион сўмдан 1959 йилда бир миллиард 716 миллион сўмга кўпайди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг товарлиги тинмай ўсмоқда. Ҳозирги вақтда Литвада аҳоли жон бошига АҚШдан кўпроқ сут ва ёғ етиштирилмоқда.

Литвада чинакам маданий революция ҳам юз берди. 1940 йилда биз буржуа тузумидан мерос қилиб уч юз мингга яқин саводсиз кишиларни олдик. Буржуазия кишилар, меҳнаткаш деҳқонларнинг қоронғиликда яшаб, худога ва бойга бош эгиб хизмат қилишлари, иш ҳайвонидек ишлатиш учунгина интилар эди. 1939 йилда Литвада олий ва ўрта маълумотли мутахассислардан 21 минг бир юз киши бор эди. Ҳозирги вақтда эса уларнинг сони деярлик 90 минг кишини ташкил қилади.

Аҳолидан ҳар минг киши ҳисобига ўқиётган студентларнинг сони жиҳатидан Литва Франция, Швеция, Италия, Норвегия, Финляндия сингари ва кўпгина бошқа капиталистик мамлакатлардан икки-уч баравар ўзиб кетди.

Эски Литвада Фанлар академияси, филармония йўқ эди. Эндиликда эса бундай муассасалар бор. Миллий кино санъати вужудга келтирилди, бадиий ҳаваскорлик оммавий тус олди.

Литва халқи илғор миллий традицияларни меҳр билан сақлаб, бу традицияларни ривожлантирмоқда. Шу билан бирга Литва ўлкасида пролетар интернационализми, халқларнинг улуғ дўстлигидан иборат ажойиб, олижаноб идеялар тобора кенг қулоч ёймоқда.

Неман дарёсида қурилган Каунас гидроэлектростанцияси совет халқларининг қардошларча дўстлиги ҳамда ҳамкорлигининг символи сингари қад кўтариб турибди. Улуғ дўстлик Литва дарёларининг отаси бўлган ана шу қадимий дарёни жиловлаб, унинг қувватини халққа хизмат қилишга мажбур этишда ёрдам берди.

Литва халқи жонажон ўлкада Совет ҳокимиятининг тарихий йигирма йиллигини ўз кучлари равнақ топган бир даврда кутиб олмоқда. (ТАСС).

АҲИЛ ОИЛАДА

Латвия ССР Министрлар Советининг Раиси Я. В. ПЕЙВЕ билан суҳбат

Латиш халқи Латвияда совет ҳокимияти ўрнатилишининг 20 йиллигини тантанали вазиятда нишонлаш учун тайёргарлик кўрмоқда. 1940 йил 21 июлда Латвия меҳнаткашлари буржуазия зулмини агдариб ташлаб, озод ва бахтиёр ҳаётни қўлга киритган эдилар.

20 йил — тарихда катта давр эмас, лекин шу даврда нақадар ажойиб воқеалар бўлиб ўтди! Бу—янгилик барпо қилинган, бутун халқ хўжалиги социалистик асосда қайта қурилган, Латвия халқининг маданияти барқ уриб яшнаган давр бўлди.

Ҳозир республика саноати урушдан илгариги даражадан деярлик 10 баравар ўсган, 1959 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиши 1939 йилдаги буржуа Латвияси ишлаб чиқаришининг бутун ҳажмига тенг бўлган бўлса, бунга шу туфайли эришилдики, Латвияга мамлакатимизнинг барча халқлари, даставвал улуғ рус халқи ёрдам кўрсатди, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати республика экономикасини мустаҳкамлашга муттасил эътибор бериб турибди.

Латвия Республикаси электрлаштирилган темир йўллар учун моторли ва прицепли вагонлар ишлаб чиқариш, автомобиллар учун электр ускуналар ишлаб чиқариш бўйича, қоғоз чиқариш ва торф қазиб олиш бўйича СССРда кўзга кўринарли ўринни эгаллади. Ҳозир бизда шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқдаки, бу маҳсулотлар буржуазия Латвиясида сира ишлаб чиқарилмас эди. Булар орасида кўчма электростанциялар, комфортабел автобуслар, қудратли гидротурбиналар, денгиз буксирлари, автоматик телефон станциялар, контроль-ўлчов асбоблари бор. Ўтган йилнинг ўзидагина яна 500 га яқин турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ўтган йили республика корхоналарида ўнта автомат ва ярим автомат линия, 30 дан ортиқ конвейер ва поток линиялари, шунингдек 100 дан ортиқ хилма-хил энг янги станоклар ўрнатилди.

Қишлоқ ҳаётида ҳам тубли ўзгаришлар рўй берди. Ҳозир республикада 1400 га яқин колхоз ва совхоз бор. Уларнинг деярлик ҳаммаси миллионларча сўм даромад қилмоқдалар. Қишлоқ меҳнаткашлари ихтиёрига Ватанимиз саноати ишлаб чиқарган қудратли техника бериб қўйилган.

Латиш қишлоғида янги кишилар ўсиб етишди, уларнинг номи республикамиздан бошқа жойларда ҳам маълумдир. Яқинда Гулбене районидаги «Кондарбиба» колхозининг сут соғувчиси икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Марта Семуле ватанида унинг бронзадан ясалган ҳайкали ўрнатилди. Бу колхоздаги тантаналар аслида республика қишлоқ хўжалиги барча меҳнаткашлари эришган катта муваффақиятларининг рамзи бўлди.

20 йил ичида республикада чинакам маданий революция рўй берди. Латиш интеллигенцияси олдида кенг истиқболлар очилди. Латвия олимлари ядро реакцияларини, космик нурларни тадқиқ қилиш, ярим ўтказгичлардан фойдаланиш, автоматика ва ҳисоблаш техникасини жорий қилишга оид проблемалар устида ишламоқдалар. Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш масалалари республика олимлари фаолиятида муҳим ўринни эгаллайди.

Шаклан миллий ва мазмунан социалистик латиш маданияти барқ уриб яшнади. Ёзувчиларимиз, маданият ва санъат арбоблари самарали ишламоқдалар. Ёзувчилардан Андрей Упит, Вилис Лацис, Анна Саксе ва бошқаларнинг номи бутун дунёга машҳурдир.

Ҳозир қишлоқ жойларнинг ўзидагина 2000 дан кўпроқ кутубхона бор, халқ уйларининг сони эса 1940 йилга нисбатан қариб 15 баравар кўпайди. Республикада ҳар йили 10 миллион томга яқин китоб чиқарилмоқда.

Латвиянинг тўққиз олий ўқув юрти ҳар йили халқ хўжалигининг турли соҳалари учун икки мингдан кўпроқ ёш мутахассис тайёрлаб бермоқда. Бундан 15 йил илгари тузилган фанлар академияси составида 15 илмий-текшириш институти бор.

Совет Латвиясининг меҳнаткашлари халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантириш соҳасидаги ҳамма улуғвор ғалабаларга жонажон Коммунистик партия ғамхўрлиги туфайли, халқлар дўстлиги туфайли эришганликларини яхши биладилар.

Республикамиз меҳнаткашлари социалистик миллатлар қардошларча оиласининг сафида ижодий кучлари гуллаб-яшнаган ҳолда, ўзларининг порлоқ келажагига дадил қараб коммунизмнинг нурли чўққилари сари шаҳдам қадам ташлаб бормоқдалар. (ТАСС).



Таллин. «Эстония» театрида
В. Горбунов фотоси (ТАСС фотохроникаси).

Ғўзани машина теримига мослаб парвариш қилайлик!

☆ ☆

ОЛДИНИ ОЛИШ ЛОЗИМ

Ўртоқ Қаҳҳор Машрапов бошлиқ бригаданинг 120 гектар пахта майдони бор. Бригада аъзолари бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил оламиз, деб ваъда берганлар. Лекин бу ердаги иш олинган мажбуриятга яраша эмас.

Аввало, бригадада 80 гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилган бўлса ҳам тўғри квадрат ҳосил бўлмади. Кўндалангига ишлаш вақтида кўпгина кўчат нобуд бўлди, ғўза сийрак бўлиб қолди. Бунинг устига ғўза жуда суст парвариш қилинганидан унинг ривожи паст.

Ғўзага биринчи сув бериш жуда кечиктириб юборилган. Бригада бошлиғи Ўртоқ Машраповнинг айтишича 10 киши ғўзани суғораяпти. Лекин улар 25 кун уриниб 120 гектар ердаги ғўзани суғора олмаганлар. Сувчилардан Т. Кенгашев, А. Нурматов, Н. Мансуров Ўртоқлар оқиб турган сероб сувдан тежаб фойдаланишга, ғўзани кеча-кундуз қондириб суғоришга ҳаракат қилмаётирлар.

Бригаданинг 40 гектар ердаги ғўзаси ҳамон ўтдан тозаланмаган. Анчагина ердаги ғўзани зарпечак босган. Колхозчилардан Э. Тўраева, Т. Абдураҳмоновларга зарпечакни юлиб ташлаш топширилган бўлса ҳам, улар бригада бошлиғининг топширигини бажармаган. Бригаданинг айрим карталарида ўргимчаккана пайдо бўлган. Колхоз агрономининг бундан хабари бўлса ҳам, 5 кун вақт ўтишига қарамай, ўргимчаккана билан курашиш учун ОДН юбормаган.

Бригадада кўпгина ер суғорилмагани устига суғорилган ерлар вақтида культивация қилинмаган. Шунинг учун эгат оролари ёрилиб кетган. Тракторчи соянарвар Эркин Исоқулов сувдан кейин ғўзани ўз вақтида культивация қилишни ўйламаяпти.

Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхознинг бошқа бир қатор бригадаларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Айниқса ғўзани суғориш жуда секин олиб борилаётир. Масалан, М. Хафизов, Н. Эрманов, Т. Ўтмишев Ўртоқлар бошлиқ бригадаларда бир кунда бор-йўғи 2 гектар ердаги ғўза суғорилган. Натижада кўп сувлар бекорга оқиб кетаётир.

Ғўза қатор ораларини ишлаш ҳам кўнгилдагидек эмас. Колхозда 30 та чопиқ трактори бор. Шундан кўп вақт 23—25 таси ишлайди, холос. Кўп тракторга СУЗ осилмаган. Айрим кунлари тракторлар бекор туради. 6 июлда А. Турдибоев, Н. Эрманов, Х. Умурзоқов, Т. Рустамов бошлиқ бригадаларда шундай ҳол юз берди.

Колхоз аъзолари бу йил 1485 гектар ерга чигит экиб, 3100 тонна пахта етиштириш мажбуриятини олганлар. Санаб ўтилган бригадалардаги ҳозирги аҳвол бу мажбуриятни бажаришда тўсқин бўлиши мумкин. Бунинг олдини олиш лозим.

О. ҒУЛОМОВА.
С. ШОКАРИМОВ.

Қардош Тожикистон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси Гулистон районидаги Ленин номли колхозда бўлганида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусов бошлиқ бригада ишидан жуда хурсанд бўлди. Суратда: (чапдан ўнгга) ўзаро текшириш бригадаси аъзоларидан А. Мансуров, У. Деҳқонова, Ш. Бурнашев ва Ғанишер Юнусов Ўртоқлар.
В. Кожевников фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

АҚШ ВА ҒФР ҲУКУМАТЛАРИГА СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ НОТАЛАРИ

СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико 19 июлда АҚШнинг СССРдаги Муваққат ишлар вакили Э. Л. Фриирс жанобларини ва Германия Федератив Республикасининг СССРдаги Муваққат Ишлар вакили К. Х. Кноке жанобларини қабул қилди ва уларга Совет ҳукуматининг нуталарини топширди.

Америка ҳукуматига юборилган нотада таъкидлаб айтиладики, Германия Федератив Республикаси мудофаа министри Штраус жанобларининг АҚШга яқинда қилган сафари ва АҚШ ҳарбий министри Брекер жанобларининг шундан кейин Германия Федератив Республикасига қилган сафари, шунингдек уларнинг Ғарбий Германия армиясини «Поларис» ракеталари билан қуроллантириш тўғрисидаги баёнотлари қасддан ўзаро келишилган ҳаракатдир. Бу ҳаракатлар ташвишланаётган жаҳон жамоатчилигини вайронгарчилик келтирувчи ракета-ядро қуроли билан Ғарбий Германияни очиқдан-очиқ қуроллантиришга кўндириш учун замин тайёрлашни кўзда тутади.

Нотада таъкидлаб айтиладики, собиқ гитлерчи генераллар бошчилигидаги Ғарбий Германия армияси қўлига топшириладиган ракета қуролидан янги агрессия учун фойдаланилиши мумкин.

Совет ҳукумати АҚШ ҳукуматини гоят жиддий суратда огоҳлантириб айтадики, АҚШ ҳукумати тутаётган йўл тинчлик иши учун ва Европа халқларининг хавфсизлиги учун хавфли оқибатлар вужудга келтиради ва ана шу оқибатлар учун жавобгарлик тамомила АҚШ ҳукумати зиммасига юкланади. Совет ҳукумати СССРнинг ва унга иттифоқчи давлатларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун, Европада ва бутун дунёда тинчликни таъминлаш учун ўзи зарур деб ҳисоблаган керакли чораларни кўришга мажбур бўлади.

Германия Федератив Республикаси ҳукуматига юборилган нотада айтиладики, Америка билан Ғарбий Германиянинг яна ҳарбий тил бириктириши сўзсиз таслим бўлиш натижасида Германиянинг зиммасига олган мажбуриятларини, шунингдек иттифоқчиларнинг Германия тўғрисидаги битимларини жуда кўпол равишда бузишдир. СССР ҳукумати Германиянинг сўзсиз таслим бўлганлиги иттифоқчи давлатларга Германия мағлубияти тўғрисидаги декларация мақсадларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун зарур деб топган ҳар қандай тадбирларни кўриш ҳуқуқини беради.

Совет ҳукумати Германия Федератив Республикаси ҳукуматини ҳозирги ҳаракатларининг рўй бериши эҳтимол бўлган оқибатлари учун, шунингдек ана шу ҳаракатлар тақозо этиши мумкин бўлган жавоб ҳаракатлар учун тамомила жавобгар бўлади, деб огоҳлантиради. (ТАСС).

Совет ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига баёноти

СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико 19 июлда АҚШнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Э. Л. Фриирс жанобларини қабул қилди ва унга қуйидаги баёнотни топширди:

«Америка Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабарига кўра, Американинг 20 солдатдан иборат отряди Конго Республикасининг пойтахти Леопольдвиль аэродромига туширилган. Ўша хабарда яна айтилишича, Америка офицерлари ҳарбийлардан иборат ана шу гуруҳ Хавфсизлик Кенгашининг маълум қарорига мувофиқ, баъзи давлатлар томонидан Конгога юборилаётган қўшинларнинг операцияларига ёрдам бериш учун келтирилди, деб таъкидлаганлар.

Совет ҳукумати ана шу америка ҳарбий гуруҳининг Конго Республикаси пойтахтига юборилиши йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳаракат эканлигига АҚШ ҳукуматининг эътиборини жалб этиш зарур деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан Совет ҳукумати Америка Қўшма Штатлари ҳукуматига норозилик билдиради ва мазкур ҳарбий гуруҳнинг Конго Республикаси территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетилишини кутади. Совет ҳукумати яна шуни айтишни зарур деб ҳисоблайдики, Америка солдатлари ва офицерларидан иборат ана шу гуруҳ олиб чиқиб кетилмаган тақдирда Совет ҳукумати бундан ўз ҳаракатлари учун тегишли хулосалар чиқариб олишга мажбур бўлади».

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

ЭСИНГИЗДА САҚЛАНГ

Ўргимчаккана, шира ва бошқа ғўза зараркунандаларини йўқотиш учун меркаптофос деб аталувчи заҳарли химикат қўлланилади. Унинг 30—60 процент концентрацияли мойли эритмаси самолетлардан чангатиб сепилади.

Меркаптофос фақат қишлоқ хўжалик зараркунандалари учун зарарли бўлиб қолмасдан, нотўғри ишлатилган тақдирда, инсон ва ҳайвонларни ҳам заҳарлаши мумкин.

Ана шу ахволдан сақланиш учун колхоз ёки совхоз агрономи меркаптофос билан ишловчи кишиларга зарур кўрсатмалар бериши лозим.

Меркаптофос билан ишлашда тавсия этилган барча эҳтиёт чоралари қатъий равишда бажарилиши керак. Меркаптофос сепиш билан банд бўладиган кишиларнинг ҳаммаси медицина кўригидан ўтказилиши, уларнинг состави соғлом кишилардан иборат бўлиши талаб қилинади.

Меркаптофосни салқин жойда сақлаш керак. Шу мақсадда имконият бор жойларда алоҳида бино ажратиш, далада сақланганда эса махсус чуқур ёки ертўлалар қазиш, бу ер тўлаларнинг устини алоҳида бостирма қилиб ёпиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, меркаптофос офтобда сақланганда юқори концентрацияли буғлар ҳосил қилади. Бундай буғлар ҳаётга хавфлидир.

Меркаптофосни идишларга жойлаётганда, уни жойловчи киши заҳарли химикат томчиларидан ўзини сақлаш учун шамол эсаётган томонга қараб туриши лозим. Агар унинг томчиси тана ёки кийимга тушса, дарҳол пахта ёки латта ёрдамида астагина артиб олиш керак. Бунда уни терига суртиб юбормаслик шарт. Шундан кейин ана шу жойларни кир содаси эритмаси билан (бир челак сувга 0,5 килограмм сода солинади) ишқалаб артиш ва кетидан илиқ сув билан совунлаб ювиш зарур. Меркаптофос теккан пахта ва латталар ёндириб юборилади, ёки уй-жойлар, иш майдончаси ва сув манбаидан 50—100 метр нарига—ерга кўмиб ташланади. Агар меркаптофос кўзга тушса, кўзни дарҳол чой сода эритмаси (бир стакан сувга бир чой қошиқ сода солинади) ёки тоза сув билан ювиш керак.

Меркаптофос самолётга махсус майдончада қуйилади, қуйиб бўлингандан кейин хар сафар майдончанинг тупроғига хлорли оҳак сепилиб, ернинг устки қатлами қириб олинади ва чуқурга кўмиб ташланади.

Дори сепиладиган томонни самолет экипажига кўрсатиб турувчи киши даланинг бир чеккасида — шамол унинг ўзига эмас, дори сепиладиган зонага қараб эсадиган жойда турмоғи керак. Самолет яқинлашиб келганда эса у киши дори сепилаётган майдондан камида 30 метр четда туриши шарт.

Меркаптофос билан бевосита иш олиб борувчи кишилар махсус кийимга: комбинезон, резинка қўлқоп ва резинка этикларга, махсус ҳимоя кўз ойнакка, шунингдек патронлари бўлган респираторларга эга бўлишлари керак.

Шу соҳада 50 соат ишлагандан кейин респираторларнинг патронларини алмаштириш лозим. Устки кийимлар эса ҳар ҳафтада ювиб турилади. Махсус кийимга ўтириб қолган заҳарни зарарсиз ҳолга келтириш учун, уни совунли сода эритмасида 5—6 соат ивитиб қўйилади, сўнгра қайнатилади, этиклар, плашлар, ёпинчиқларни эса, ишдан кейин кир сода эритмаси билан (10 литр сувга 0,5 килограмм сода солинади) артилади. Махсус кийимларни иш майдончасидан кетмай туриб ечилади. Бу кийимларни кийиб бошқа жойларга бориш ярамайди, чунки, уларга меркаптофос ўтириб қолган бўлиб, бошқаларни заҳарлаб қўйиши мумкин.

Иш майдончаларида умивальниклар, совун, сочиқ, сода эритмаси ва аптечка ҳар доим тайёр туриши керак. Меркаптофос одам организмига нафас олиш йўллари, ифлосланган қўл ва овқат ҳамда тери ва шиллиқ пардалар орқали кириши мумкин. Шунинг учун иш майдончасида овқатланиш ва чекиш ярамайди. Ичиладиган сув солинадиган бакларнинг оғзи ва озиқ-овқат солиб қўйилган идишларнинг қопқоғи маҳкам ёпиладиган бўлиши ва иш майдончасидан камида 100 метр нарида туриши керак.

Меркаптофос билан ишлаганда овқатланиш режимини тўғри ташкил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Қорин оч ҳолда ишлаш мутлақо ярамайди. Овқат ҳазм қилиш тракти орқали заҳарланиш эҳтимолларига қарши профилактика мақсадида, заҳарли дорилар билан ишлайдиган барча ходимларга махсус овқат сифатида 0,5 литрдан сут берилади.

Меркаптофос билан ишловчи кишиларнинг иш куни 4 соатдан ортиқ бўлишига йўл қўйилмайди. Ҳар бир бригада 10 кун ишлагандан кейин бошқаси билан алмашинади.

Киши организмига меркаптофос кирганда заҳарланиш белгилари: бош айланиш, бош оғриғи, кўнгил айниш, қусиш, қорин оғриши, умумий ҳолсизлик, ҳоҳаслик пайдо бўлади. Заҳарланиш белгилари ҳамиша ҳам дарҳол юз беравермайди; баъзан бир неча соат, бир неча кун ва ҳафталар ўтиши мумкин. Кўрсатиб ўтилган белгилар пайдо бўлганда заҳарланган кишини дарҳол ишдан озод қилиш, иш жойидан 100—150 метр нарига, салқин жойга олиб бориб, устидан респираторни, комбинезон ва этикларни ечиб олиш, камарни бўшатиб қўйиш зарур. Меркаптофос организмга меъда орқали ўтган бўлса, уни чайиш, яъни 10—12 стакан илиқ сув (ҳар стаканига бир чой қошиқдан сода солиб) ичириш йўли билан албатта қустириш лозим.

Пахта далаларига меркаптофос сепишга киришишдан олдин, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари шу районнинг аҳолисини дори сепиш ишлари ўтказилажаги тўғрисида хабардор қилишлари ҳамда эҳтиёт чоралари тўғрисида тушунтириш ўтказишлари лозим.

Аҳоли истеъмол қиладиган ариқ сувларига меркаптофос туширмаслик қоат муҳимдир. Меркаптофос билан дориланган ғўзаларнинг пишган пахтасини дориланганидан кейин камида бир ой ўтгач тера бошлаш керак. Меркаптофос билан дориланган далаларда молларни боқиш ёки уларни шу ердан ҳайдаб ўтиш ярамайди.

Агар дорилаш вақтида меркаптофос тасодифан полизлар, боғ ва узумзорларга тушиб қолган бўлса, уларнинг ҳосилини фақат санитария назорати рухсат бергандан кейингина йиғиб олиш мумкин.

Меркаптофос билан дориланадиган далалар яқинига асалари уяларини ўрнатиш ҳам тўғри келмайди. Уларни бу жойдан камида 5—6 километр нарига жойлаштириш мумкин.

Заҳарли кимёвий препаратлар билан ишловчилар ўз соғлиқларини алоҳида диққат билан кузатиб боришлари, арзимас даражада бўлиб кўринган лоҳаслик ҳолларига ҳам эътиборсиз қарамасликлари керак. Башарти ўз организмларига бирор йўл билан заҳар кирганлиги маълум бўлса, дарҳол врачга мурожаат қилишлари шарт.

Ўз-ўзидан равшанки, меркаптофос билан ишлаш қоидаларига қатъий равишда амал қилгандагина заҳарланиш хавфини йўқотиш мумкин.

Н. КРАВЧЕНКО,
В. ЛЕПИНТЮХ.

Кўнгилли кексалар бригадаси

Бўстонлиқ районидаги Хўжакент қишлоғи йилдан-йилга яшнамоқда. Бу қишлоқнинг тиниб-тинчимаган хушфеъл одамлари янги боғлар яратмоқдалар. 14-боғ совхози янги ташкил топган. Шунга қарамай совхознинг боғига кирсангиз, мевасининг мўллигидан шохлари эгилиб ётган олма, шафтоли, олхўриларни кўриб хурсанд бўласиз. Бу йил боғ майдонини янада кенгайтириш мақсадида 10 гектар ерга олма, 7 гектар ерга узум кўчатлари ўтқаздилар. Совхозда кўнгилли кексалар бригадаси ташкил қилинди. Қ. Йўлдошев бошлиқ 30 кексадан иборат бу бригада аъзолари янги боғ ташкил қилиш билан бирга эски боғларни ҳам ремонт қилиб бердилар. Бундан ташқари 2 гектар ердаги лавлаги, 5 гектар ердаги картошка, 10 гектар ердаги жўхори ҳам кексалар томонидан парвариш қилинмоқда. Совхозда кексаларга етарли даражада маданий-маиший шароит яратиб берилган.

Н. СОДИРОВ.

Юқори ҳосил учун

Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг Р. Абриев бошлиқ бригада аъзолари бу йил 115 гектар ерга чигит экдилар. Бригада коллективи текис ундириб олинган ғўзаларга ишлов беришни эрта бошлади. Механизатор Т. Расулев ўз касбини жуда ҳам севади. У ҳар куни 10—12 гектар ердаги ғўзага сифатли ишлов бермоқда. 115 гектар ердаги ғўза уч марта узуғасига ва кўндаланигига сифатли культивация қилинди. Ғўза қатор ораларида бирорта ҳам бегона ўт йўқ. Барча ердаги ғўзалар икки марта қондириб суғорилди. Бир текисда ривожланаётган ғўзалар текис гулга кирди. Бригаданинг азамат пахтакорлари ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

П. ТОЖИЕВ,
Р. МУҲИТДИНОВ.

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА

Қанд ишлаб чиқариш кўпаймоқда

Янги қанд заводи бир суткада 30 минг центнер қанд лавлагини қайта ишлайди. Корхонанинг бешта корпусида ишлаб чиқариш ва ёрдамчи цехлар, ТЭЦ жойлашган. Заводнинг ҳозирги вақтда ишлаб турган корхоналардан фарқ қиладиган жойи шундаки, унинг территориясида жуда ҳам кўп миқдорда шакарни идишсиз сақлайдиган силос башнясига ўхшаш омбор бор. Бу келгусидаги қанд корхоналарининг типовой лойиҳасидир. Бу лойиҳа СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг «Қанд ва кондитер маҳсулотлари саноати» павильонида намойиш қилинмоқда. Виставкани тамоша қилаётганлар павильон экспозицияси билан танишиб, етти йиллигининг фақат биринчи йилида мамлакатимизда 14 та янги қанд заводи ишга туширилганлигини билади. 1965 йилга келиб эса бундай заводлар бир неча ўнлаб, асосан Россия Федерациясида ва Украинада қурилади.

Корхоналар янги ва модернизациялаштирилган ускуналар билан, хусусан, ишлаб чиқариш унуми юксак бўлган лавлаги қирқадиган асбоблар билан, автомат равишда идора этиб турувчи диффирзион аппаратлар билан, қиёмни тозалаш ва қайнатиш соҳасида автоматик установкалар билан жиҳозланган.

Павильонга лавлагини қанд қилиш процессини контроль қилиб турувчи ва тартибга солиб турувчи автомат асбоблар қўйилган. (ТАСС).

Ҳаёт-илҳом манбаи

(Ҳаваскор шоирларнинг шеърларига обзор)

«Ҳаётимиз ғўзаллиги кишини ўзига мафтун қилади, — дейди ҳаваскор шоир **Ҳ. Каримов** редакциямизга ёзган хатида, — халқимиз меҳнати ва Ватанимизнинг ғўзал манзаралари қалбда ажиб ҳавас уйғотиб, оддий кишининг ҳам илҳомини қитиқлайди ва шеър ёзишга қистайди».

Ҳар куни редакциямизга ана шу қайноқ ҳаёт қистови ва қалб амри билан ёзилган жуда кўп шеърлар келади.

Оққўрғонлик ҳаваскор шоир **Н. Мадаминов**нинг «Шона», «Университетчи қизга», **Ш. Каримов**нинг «Саодатхон» деган шеърлари ширин ва оромли тонг уйқусини тарк этиб, ғайрат отига минган, Ватанни «оқ олтин» ва шоҳи-ипакка буркаш иштиёқи билан меҳнат қилаётган пахтакор ва пиллачи қизларнинг қаҳрамонлиги мадҳига бағишланса, **Р. Ғофурова** «Турсун отанинг ғайрати» шеърида меҳнаткаш, тинибтинчимас, «йигит қалбли» чол образини гавдалантиришга интилади. Фрезеровщик **А. Маҳмудов** эса ўзининг «Ишчи йигит қўшиғи»да пахтакор жонига оро бўлишга қодир ажойиб қишлоқ хўжалик машиналари етказиб беришга аҳд қилган ишчи йигитнинг фикр-туйғусини тараннум этишга ҳаракат қилган.

Э. Шукуров, А. Юнусовларда ўлкамизнинг ғўзал манзараларини чизишга — лирик пейзаж яратишга интилиш кучли бўлса, **Т. Маматқулов** (Гулистон райони), **А. Муҳаматов** (Ўрта Чирчиқ) шеърларида инсоннинг олий жаноб ҳис-туйғуси — севги ва муҳаббатни бадиий ифодалашга кўпроқ қизиқиш борлиги кўзга ташланади.

Ҳ. Курбонов (Боёвут), **А. Мираҳмедов** (Бўстонлиқ)лар ўзларининг илк шеърларида даврининг ақлидроки, қувноқ ва бахтиёр ҳаётимизнинг ижодчиси, халқ бахт-саодатининг раҳнамоси Коммунистик партиянинг заковатини куйлашни мақсад қилиб қўйганлар.

М. Мирзақулов (Янгиер), **У. Мусаев** (Оққўрғон), **Х. Ахмедов, Х. Каримов** (Ўрсатьевск)лар ўз қаламларининг тигини чириб бораётган империализм дунёсидаги урушқоқ — игвогарларнинг кирдикорини фош этишга қаратганлар. Улар юборган шеърларда бутун дунёда тинчлик ва социализмнинг тантанаси муқаррар деган гоя олга сурилди.

Чинакам санъаткор ҳаётдаги камчиликларга, нуқсон ва сарқитларга бефарқ қараб туролмайди. Эскилик сарқитларига, тўрачиликка, унумли меҳнатда қатнашишни истамайдиган, фойдали ишни бажармайдиган кишиларга қарши қаратилган шеърлар ёзилмоқда. «Ўртўқмоқ» адресига келаётган ҳажвий шеър, масал, эпиграммалар бунинг далилидир.

Қ. Исаев (Тошкент), **Р. Юнусалиев** (Бекобод), **А. Мирсаидов** (Гулистон), **М. Нурматов** (Бўка), **В. Раҳмонов** (Ленинобод)ларнинг ҳажвий шеърларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Булар орасида Қ. Исаевнинг қўли эгри магазин мудирини ҳажв қилган «Ўйланма» шеъри анча дуруст чиққан. Автор янги форма излаб, кишининг ички курашини ифодалаш учун нафс билан виждон диалоги формасидан фойдаланган.

Ҳаром-ҳариж бўлмайди ош,
Нафсга гар урмасанг тош,
Бир кун келар эл олдида,
Эгилажак бу мағрур бош.

қаби мисраларда қинғир ишнинг қийини чиқади деган фикр ифодаланган. Умуман олганда бу шеърни ҳам чинакам етук бадиий асар даражасига кўтарилган дея олмаймиз. Чунки ёш сатиририклар ижодида учрайдиган нуқсонлардан ҳоли эмас, яъни шоир руҳининг газаби, фикр оташи мисрама-мисра кўтарилиш, кескинлашиш ва характерни индивидуаллашган конкрет образда акс эттиришдан чиқиб, оддий насиҳатгўйликка, тафсилотга ўтиб кетилади. Ваҳоланки сатира аччиқланган ҳиснинг ҳамласи, энергияси, чақмоғи бўлиши керак.

Давр руҳини бадиий ифодалашга астойдил интилаётган ҳаваскор шоирларнинг кўплаб номларини санаб ўтиш мумкин. Лекин улар ўз олдиларига яхши ниятлар қўйган, актуал темаларни кўтариб чиқаётган бўлсаларда кўпинча қуруқ баён ва умумийликка йўл қўймоқдалар. Ундай шеърлар ҳеч маҳал ўқувчи қалбига сингмайди, унинг ҳаётидан жой топа олмайди.

Ўз олдига қўйган мақсадни шеърда бадиий ифодалай олмасликка, конкретсизлик, умумийлик ва баёнчиликка ўтиб кетишнинг сабаби нимада? Бунга сабаб танланган темани чуқур билмаслик, бевосита ва бавосита кузатиш, ҳис қилишнинг етарли эмаслигидир.

Баъзилар ҳаёлига бир тема келдими, уни дарҳол ёзишга ўтиради ва шеърнинг спёди қуруб-қурумас, уни бостириш ва интилаётган ўта мойиллик кўрсатишида намоён бўлган. Унинг «Кўринг», «Бўлмас» «Кўринур» шеърларида бу нарса кўзга яққол ташланади.

С. Мустофоев, Т. Маматов, Ш. Хошимов, З. Абдураҳмонов, Р. Юнусалиев, С. Асроев, Р. Мамасолиев, А. Мираҳмедовларнинг шеърларида ҳам янгиликка интилиш, оригинал фикрлар йўқ.

Ҳ. Сайдуллаев, Т. Турсунов, Р. Очилов, Ҳ. Қаршибоев, М. Нурматовларнинг шеърларида ҳам шу камчиликлар айнан кўзга ташланади.

Совет ёшларининг ҳушчақчақ табиатига ёт бўлган мавҳум ва пассивлик ҳолатларини чизувчи шеърлар ҳам баъзан учраб қолади. Масалан гулистонлик **К. Тўраев** ўзига «Бахтий» деган яхши таҳаллус қўйиб олган бўлса ҳам нуқул тумтароқ ва мавҳум мисраларни тўқишга ўрганиб қолибди. **Д. Пулиев, И. Уммматов, Э. Каримов, К. Туфанов, М. Жаниқулов, Ҳ. Тўхтаматов, Н. Назаров**лар шеърият техникаси билан ошно бўлмай туриб, қўлларига қалам олибдилар. Улар юборган шеърларда на вазн бирлиги—оҳангдорлик ва мусиқийлик ва на қофия мустақиллиги сақланган.

Улкан новатор шоир В. В. Маяковский асарни мусиқий ва жанговар бўлишини таъминлашда шеърнинг асосий кучи ва энергияси ҳис-соблашган қофия танлашнинг катта аҳамиятини таъкидлаган эди. «Қофия, — деганди у— мисраларни боғлайди, шунинг учун унга саралланган материал мисралар таркибидаги бошқа материалга қараганда янада пишиқроқ бўлиши керак». Афсуски, ҳаваскор шоирлар орасида қофиянинг ролига ва шеърият техникасига бефарқ қарайдиганлар йўқ эмас.

Ҳаваскор шоирларимиздан ижод устида пушкинчасига ҳалол меҳнат қилишни, ўзларининг шоирлик овозларини баралла янгратишга одатланишни илк шеърларидан бошламоқлари талаб қилинади. Ана шундагина шоир деган энг қийин ва шарафли номга эга бўла олиш мумкин.

Н. ЁҚУБОВ,

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
3- БЕТ, 22 ИЮЛЬ, 1960 ЙИЛ.

БМТ Хавфсизлик кенгашида

НЬЮ-ЙОРК, 20 июль. (ТАСС). Кеча Хавфсизлик Кенгаши АҚШнинг Куба Республикасига нисбатан агрессив ҳаракатлари ҳақидаги масала муҳокамасини давом эттирди.

Кенгаш мажлисида биринчи бўлиб СССР вакили А. Соболев нутқ сўзлади. У, Кенгаш аъзолари эътиборини шундай бир фактга жалб қилдики, АҚШ ҳукумати Кубадаги ҳозирги режимга душманлик муносабатидагина бўлиб қолмасдан, балки бу ҳукуматга қарши фитна ва диверсия фаолиятини ташкил қилмоқда. Қўшма Штатларнинг диверсия фаолияти,— деди А. Соболев,— жумладан, Кубага АҚШ территориясидан учган самолётларнинг бандитларча учишини ташкил этишдан иборатдир, буни Америка ҳукумати рад этиб бўлмайдиган далиллар олдида тан олишга мажбур бўлди.

АҚШ нинг Кубага нисбатан бу агрессив ҳаракатлари,— деб давом этди А. Соболев,— АҚШ да Фидель Кастро ҳукуматига қарши олиб борилаётган бўҳтон ва душманлик агитациясидан иборат кампания билан тўғридан-тўғри боғлангандир. Шу билан бир вақтда, Куба революциясининг ҳар хил душманлари, ағдариб ташланган қонли режим бошлиғи Батистанинг собиқ малайлари АҚШ ҳукуматининг ҳомийлиги ва фотиҳаси билан Қўшма Штатлар территориясида туриб актив қўпорувчилик фаолиятини олиб бормоқдалар.

Кубада ер ислоҳоти ўтказиш ҳақидаги қонуннинг 1959 йил май ойида эълон қилиниши муносабати билан АҚШ ҳукуматининг ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдиган ҳаракатлари ҳам Америка ҳукуматининг Куба халқи ички ишларига кўпол равишда аралашганлигини кўрсатади. Қўшма Штатлар Куба ҳукумати ўз мамлакатининг бойликларига эга бўлишдек қонуний ҳуқуқидан воз кечишига эришмоқчи.

Совет вакили Куба ҳукуматининг ўз бойликларига бемалол эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқлаш учун бир қанча ҳуқуқий актларни, шу жумладан БМТ Бош Ассамблеясининг қарорини ҳам келтирди. БМТ Бош Ассамблеясининг қарорида кўрсатиладики, «халқларнинг ўз табиий бойликлари ва ресурсларига эркин эгалик қилишлари ва улардан эркин равишда фойдаланишлари уларнинг ўз ҳуқуқлари бўлиб, бу нарса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг мақсадларига ва принципларига мосдир».

Қўшма Штатлар Кубада ер ислоҳоти ўтказилишигагина эмас, балки Куба ҳукуматининг Куба халқи экономикасини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган ҳамма бошқа тадбирларига ҳам қаршилик кўрсатмоқда. АҚШ ўтказаётган бу саботажчилик сиёсати Совет Иттифоқидан келтирилган нефтни Америка ва Англия нефть компаниялари қайта ишлашдан бош тортганлигида ўз ифодасини топди. Бу саботаж Куба экономикасига жиддий путур етказишга мўлжалланган эди. Бу шароитда Куба ҳукумати нефть компаниялари мулкини национализация қилишга ва национализация қилинган мулк учун тегишли ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олишга мажбур бўлди. СССР вакили Куба ҳукуматининг ўз мамлакати экономикаси манфаатларини кўзлаб, чет эл компаниялари мулкини национализация қилиш соҳасидаги ҳаракатларининг қонуний эканлигини яққол мисоллар асосида кўрсатиб берди.

А. Соболев, АҚШ ҳукуматининг Кубадан қанд сотиб олишни тўхтатиш ҳақидаги қарори бу мамлакат экономикасини бўғиб қўйишга уриниш эканлигини айтиб, бундай деди:

Экономикаси чет эл монополияларига боғлиқ бўлган мамлакатга қарши бундай иқтисодий агрессия қилиш бошқа ҳарқандай вақтда бундай мамлакат аҳволига жиддий таъсир кўрсатган бўлур ва ундаги ҳукуматнинг ағдарилишига олиб келган бўлур эди. Америка монополиялари худди шуни мўлжалламоқдалар. Бироқ, эндиги давр бошқача даврдир. Социалистик мамлакатларнинг халқлари Куба халқига ёрдам қўлини чўзадилар ва ҳозир Қўшма Штатлар Кубага нисбатан эълон қилган иқтисодий блокаданинг тамомила барбод бўлишини таъминлашга ёрдам берадилар.

Қўшма Штатларнинг Кубага нисбатан ҳаракатларини, — деб давом этди Соболев,— ички ишларга тўғридан-тўғри аралашиш деб, агрессив мақсадларда унинг давлат суверенитетини очиқдан-очиқ бузиш деб баҳолаш учун етарлигидан кўпроқ асос бордир.

Қўшма Штатлар, — деди совет вакили, — Кубадаги ўз иқтисодий ва сиёсий позицияларини йўқотишлари мумкинлигидангина эмас, балки Куба революциясининг Латин Америкасидаги бошқа мамлакатлар учун таъсирли намуна бўлаётганлигидан ҳам чўчимоқда. Қўшма Штатлар Фидель Кастронинг дадил ва ватанпарварлик сиёсатининг тарафдорлари Латин Америкасининг бошқа районларида ҳам пайдо бўлишидан чўчимоқда. Латин Америкасининг тарихи яқин вақтларгача Қўшма Штатларнинг ундаги халқлар ишига сурбетларча аралашуви тарихидан иборат эди.

АҚШнинг Латин Америкаси мамлакатлари ички ишларига очиқдан-очиқ аралашганлигини кўрсатувчи кўп фактларни эслатиб, Соболев бундай деди: «Энди империалистик давлатлар Латин Америкасида, Осиё ва Африкада ўзларини хўжайинлардек ҳис қиладиган, улар дунёни хоҳлаганларича талай оладиган, ўз иродаларини мазлум халқларга ўтказа оладиган вақтлар ўтиб кетди. Ҳозир мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқлари бундай тартибларга қарши қўзғолон кўтармоқдалар, мустамлакачилик зулмидан, хусусан АҚШ империалистлари асоратидан озод бўлиш учун кураш олиб бормоқдалар. Тарихнинг бу шаҳдам қадамини ҳеч ким тўхтата олмайди. АҚШ империалистик доиралари Куба революциясини бўғиб ташлай олмайдилар, бу доиралар Куба революциясига қарши кенг кўламда ҳужум қилаётирлар.

Қўшма Штатларнинг «халқаро коммунизм» деб аталадиган нарсани яна майдонга олиб чиқишга уринишлари ҳам ёрдам бермайди. Коммунистик хавф ҳақида бақириш билан озгина сиёсий калтабинлар онгини хиралаштириш мумкин. Лекин бундай бақиришлар билан халқларни, шу жумладан Латин Америкаси халқларини алдаш мумкин эмас. Латин Америкаси халқлари АҚШ сиёсатининг асли характерини ўз тажрибаларидан яхши биладилар ва Қўшма Штатлар эўри билан ўрнатилаётган реакцион диктатураларнинг зулмини сезиб турибдилар.

Шуни эслатиб ўтиш мумкинки,— деб давом этди А. Соболев,— АҚШ ҳукумати бир вақтлар Миср халқининг нафратига дучор бўлган Форуқ режимини ағдариб ташлаган Миср революциясини ҳам «коммунистларнинг найранглари» деб эълон қилган эди. Файсал ва Нури Саиднинг чириб қолган режимини бартараф этган Ироқдаги июль революциясини ҳам коммунистларнинг найранглари деб айтган эди. Африкадаги миллий озодлик ҳаракати ҳам худди шундай талқин қилинди: Киси ҳукуматининг Қўшма Штатлар билан янги ҳарбий шартнома тузиши муносабати билан япон халқининг чиқишларини ҳам коммунистларнинг найранглари деб эълон қилди.

Эйзенхауэрнинг, Қўшма Штатлар «СССРнинг ғарбий ярим шар ишларига аралашувига йўл қўймайди» деб айтган гапларига тўхталиб, Соболев бундай деди: «СССРнинг Кубага нисбатан ҳам, бошқа мамлакатларга нисбатан ҳам сиёсати очиқ ва равшандир. Бу сиёсат Совет Иттифоқи халқаро ишларда муттасил амал қилаётган умумий принципларга асосланади.

Биз ана шу принципларга амал қилиб, ҳар қандай агрессияга қарши, монополияларга қарши, ҳар қандай воситалар билан халқларнинг қул қилинишига қарши чиқмоқдамиз. Мустамлакачиликка қарши, чет эл эксплуататорларига қарши курашга отланган кишиларга хайрихоҳ эканлигимизни биз доимо айтиб келдик ва айтмоқдамиз».

Соболев Совет Иттифоқининг Куба революцион ҳукуматини таниганлигини, Куба билан савдо ва иқтисодий муносабатларини анча кенгайтирганлигини ва сўнгра қўшимча равишда 700 минг тонна Куба қандини сотиб олишга розилигини эслатиб, бундай деди: «қизиқ бир манзара вужудга келмоқда — Америкадаги «Эссо» ва «Техас ойл» компанияларини таланчилик шартлари асосида Кубага нефть келтираётганлиги Кубага террорчилар, диверсантлар, қароқчи самолётларнинг юборилиши—АҚШ президентининг мантиқига ишониладиган бўлса, бу Америка — Куба дўстлигининг ифодаси эмишу, Кубага совет нефтининг сотилиши, Совет Иттифоқининг Куба қандини сотиб олиши, Кубага совет раққослари ва ашулачиларининг юборилиши — Совет Иттифоқининг Куба ишига аралашуви ва АҚШ учун хавф эмиш. Бундан ҳам бемаъни мантиқ бўладими!

Америка матбуоти тарқатаётган бўҳтон гаплар, яъни Совет Иттифоқи Куба территориясидан ҳарбий базалар қуриш учун фойдаланишга интилмоқда, деган миш-миш гаплар устида тўхталиб, Соболев бундай деди: Бу уйдирманинг бемаънилиги шу қадар равшанки, уни рад этиш учун ҳеч қандай зарурат бўлмаса керак. Шуни айтиш кифояки, совет қуролли кучлари ихтиёридаги ҳозирги замон қуролларидан керак бўлиб қолган тақдирда, Совет Иттифоқи территориясининг ўзида туриб фойдаланиш мумкин ва у Кубада ҳам, дунёнинг бошқа районларида ҳам ҳарбий базалар қуришга муҳтож эмас. Шу билан бир вақтда А. Соболев эслатиб ўтдики, АҚШ Кубанинг Гуантанамо деган жойида ҳарбий базасини ҳалига қадар сақлаб турибди ва ундан Куба халқи устида кўтариб турилган таёқ ҳамда унга қарши фитна ва диверсиялар учун таянч пункти сифатида фойдаланмоқда.

Кубага қарши қуролли интервенция қилинадиган бўлса, деб давом этди Соболев,— совет халқи эътиборсиз қараб тура олмайди. Бинобарин, АҚШ ҳукмрон доираларидаги ҳеч ким бу хусусда хомхаёл қилмай қўяқолсин. Соболев, Н. С. Хрушчевнинг, «ўз миллий мустақиллигини ҳимоя қилаётган Куба халқига қарши АҚШ империалистлари агрессив ҳаракат қилсалар, биз Куба халқини қўллаб-қувватлаймиз» деган сўзларини эслатиб ўтди.

Совет Иттифоқининг вакили Куба шикоятини Хавфсизлик Кенгашидан Америка давлатлари ташкилотига, яъни Қўшма Штатлар устун даражадаги таъсирга эга бўлган ва Куба билан ўзлари хоҳлаганча иш кўра олишлари мумкин бўлган ташкилотга топшириш ҳақидаги таклифларнинг асил мақсадини фош қилиб ташлади. У, АҚШнинг Латин Америкасидаги бир қанча мамлакатларга иқтисодий тазйиқ кўрсатиб, Куба масаласида уларнинг қўллаб-қувватлашига эришмоқ учун ҳаракат қилаётганлигини кўрсатиб ўтди.

Совет вакили таъкидлаб айтдики, Куба масаласининг Хавфсизлик Кенгашида муҳокама қилинишини тўхтатиб, бу масалани Америка давлатлари ташкилотига топшириши таклиф қиладиган Аргентина ва Эквадор резолюция лойиҳасининг қабул қилиниши, Кенгаш ўзининг бевосита вазифасини бажаришдан бош тортишини огоҳлантириш чораларини кўришни истамаётганлигини ва буюк давлатга қарши кичик мамлакатни ҳимоя қилишга қодир эмаслигини тан олишини билдирур эди.

Совет делегацияси Аргентина ва Эквадор резолюция лойиҳасига тузатишлар киритди. Бу тузатишларда Куба шикоятининг Хавфсизлик Кенгашида муҳокама қилинишини Америка давлатлари ташкилотига доклад олингунча кечиктириш ҳақидаги параграфни чиқариб ташлаш таклиф этилади.

Шундан кейин сўз олган АҚШ делегати Лодж Қўшма Штатларнинг Кубага қарши агрессив ҳаракатлари фактини инкор қилишга қодир бўлмасдан, советларга қарши қўпол хуружлар билан чиқди.

КОНГО РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ҚАРОРИ

ПАРИЖ, 20 июль. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги муҳбирининг Леопольдвилдан хабар беришича, бугун Конго республикасининг Министрлар Совети Конго республикасига мадад беришни ва унга бу ердаги Бельгия қўшинларини ҳайдаб чиқаришда ёрдам кўрсатишни илтимос қилиб, СССР га ёки Африка-Осиё блокидаги бошқа бирон мамлакатга мурожаат қилишга қарор чиқарди.

Конго бош министри Лумумба ўзининг матбуот конференциясида Министрлар Советининг 20 июльда қабул қилган баёнотини ўқиб эшиттирди. Бу баёнотда айтилдики, Министрлар Совети СССРга ёки Африка-Осиё блокидаги бошқа бирон мамлакатга мурожаат қилиб, бу ердаги Бельгия қўшинларини ҳайдаб чиқаришда ўзига ёрдам беришни сўрашга қарор қилди.

Министрлар Совети ёрдам ҳақидаги бу илтимос Конгонинг бирор блок билан сиёсий боғланишига сира олиб бормайди, деб таъкидлайди.

РЕПОРТАЖ

О Қ Й Ў Л

Мамлакатимизнинг янги очилган қўриқ ва бўз ерларида бу йил ҳам ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Сибирь, Олтой ва Кубаннинг беполён далаларига ҳозир борсангиз, денгиздек чайқалиб, мавж уриб ётган олтин бошоқлардан кўзингиз қамашади. Ана шу мўл-кўл ғаллани нобуд қилмай йиғиб-териб олишда ўт юракли Ленин комсомоли бу йил ҳам ташаббус кўрсатмоқда.

Ўтган чоршанба куни кечки пайт Тошкент темир йўл узели перрони ғайрат-шижоатли хуп-чақчақ йигит-қизлар билан гавжум бўлди. Улар республикамизнинг областларидаги колхоз ва совхозлардан келишган комбайнчилар ва бошқа касб эгалари. Партия чақириғи ва комсомол йўлланмаси билан бу йигит-қизлар Қозоғистон ССРнинг Акмолинск ва Семипалатинск областларига ғалла ўримйиғимида ёрдамлашиш учун кетишаяпти.

Оркестрнинг завқли садоси атрофга таралади. Ёшларнинг чеҳрасида қуванч. Вагонларга осиб қўйилган алвонларга ёзилган сўзлар комсомолни янги зафарларга чорлайди: «Ўртоқлар! Қўриқ ер ҳосилини йиғиб олишда мамлакатимизга ёрдамлашайлик», «Комсомол, ғалла учун курашга!», «Қўриқ ер ҳосилини ўз вақтида нобуд қилмай йиғиб-териб оламиз!»...

Ёшлар ўртасида суҳбат қизиб кетади. Оҳангарон шаҳридаги биринчи Оҳангарон сабзавот-сутчилик совхозидан келган Мирпўлат Тошпўлатов ўзини қуршаб олган ҳамкасбларига жавоб қилади:

— Мен 12 йилдан бери комбайн ҳайдайман. Бу йил совхозимизда 280 гектар ердаги ғаллани комбайнда ўриб, йиғдик. Энди қўриқ ер ҳосилини тўплашга кетаяпман.

— Комбайн рулига ўтирганимга 4 йил бўлди, — дейди Ўрта Чирчиқ районидаги «Ўртасарой» совхозидан келган Петр Шемяков.— Майли, тажрибам камроқ бўлса ҳам сиз билан беллашишга ҳаракат қиламан.

Митинг бошланиб, суҳбат бўлиниб қолади. Комсомолларни кузатишга бағишланган тантанали митингни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари М. П. Вишнёский очади. Биринчи бўлиб минбарга «Ховос» совхозидан келган комбайнчи Симакин чиқади.

— Биз комсомол йўлланмаси билан Қўрим-йиғимида қардошларимизга кўмаклашиш учун қўриқ ерларга кетаяпмиз. Мен шонли Ленин комсомолини ишонтириб айтаманки, у ерда биз мўл-кўл ғаллани ўз вақтида нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиб, бизга кўрсатилган ишончни оқлаймиз.

— Мен 1954 йилда механизация техникумини тамомлаб Кустанай областида қўриқ ерда 3 йил ишлаганман, — дейди сўзга чиққан Галина Романовская. — Мана бугун Янгийўл тикувчилик-галантерея фабрикасининг комсомоллари менга ишонч билдириб яна қўриқ ерга юборишаяпти. Мен ўзимга бериладиган комбайнни яхши ишлатиб, унумли меҳнат қилишга ваъда бераман.

Шундан кейин бирин-кетин сўзга чиққан комсомолларнинг ҳаммаси ҳам қўриқ ерда яхши ишлашга, ғаллани ўз вақтида нобуд қилмай ўриб-йиғиб олишга муносиб ҳисса қўшиб, комсомол ишончини оқлашга аҳд қилганликларини айтишди.

Тантанали митингдан сўнг ҳамма поезд вагонларига жойлашади. Паровоз ўз вагонларида куч-қувватга тўлган ғайратли ёшларни олиб кетаётганидан мағрурланган ҳолда, қудратли бир пишқирди-да қўриқ ер бўғдойзорига қараб йўл олди. Шу куни республикамиздан 700 га яқин комсомол, жумладан Тошкент областидан 120 киши Қозоғистон ССРга жўнаб кетди. Тошкентликлар олий ҳиммат ёшларга оқ йўл тилаб қолишди.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Қўриқ ер буғдойзорига... Ҳайр, Тошкент.
М. Нуриддинов фотоси.

МОСКВА ЧЕРЕМУШКАСИДА БЎЛДИЛАР

«Ўзбекшахтострой»нинг бир группа ишчи ва инженер-техник ходимлари яқинда Москвадан қайтиб келди. Улар орасида комплекс бригадаларнинг бошлиқлари А. Йўлдошев, З. Хаматхонов, бульдозерчи А. Кобулов, механик С. Муханов ва бошқалар бор эди.

Оҳангаронлик бинокорлар Москва Черемушкаси ва бошқа қурилишларда бўлиб, пойтахтлик ҳамкасбларининг илғор иш методлари билан танишдилар. Шунингдек, улар СССР Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасини ҳам тамоша қилдилар.

Ф. ПЕТРОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Нафс бандалари“

Шу сарлавҳа билан газетамизнинг 19 июнь сонида босилган материал Тошкент шаҳар савдо бошқармаси ва ресторанлар трестининг вакиллари томонидан текширилиб, натижалари шаҳар ресторанлар трести бошланғич партия ташкилотининг йиғилишида муҳокама қилинган.

Старший савдо инспектори Н. А. Тайдакова ва кулинария старший инспектори С. П. Билицкаялар ёзлик «Фарғона» ресторанини текширганларида ўз ваколатларидан четга чиқиб иш қилганликлари ва санитария қоидаларини бузганликлари учун уларга партиявий йўл билан жазо берилган. Шу билан бирга трест қарамоғидаги корхоналар, айниқса «Фарғона» ресторанининг ишини яхшилаш юзасидан амалий тадбирлар белгиланган.

Телевизор экранида

22 ИЮЛДА

19.00. Ўзбек тилида бадиий фильм — «Кўприкдаги кишилар».

20.30. М. Горький номли рус драма театридан «Тартбияси бузилган бола» спектакли олиб кўрсатилади.

Танаффус вақтларида сўнгги ахборот.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

ХАЛҚ ПОЛЬШАСИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ БАҲОРИ

Польша халқи ўзи озод бўлган кунинг 16 йиллигини жуда катта ютуқларни қўлга киритиш билан кутиб олмоқда. Ўтмишда қолоқ бўлган Польша эндиликда саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданияти ривожланган давлатга айланди.

Польша Бирлашган Ишчи партияси ва Польша халқ ҳокимиятининг иқтисодий сиёсати мамлакатда социалистик жамият қурилиши талабларидан, бугунги ва эртаги кунинг талабларидан келиб чиқмоқда. Биз мамлакатда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан максимал фойдаланиш асосида жамиятимиз аъзоларининг кун сайин ўсиб бораётган талабларини қондирмоқдамиз.

16 йил мобайнида олиб борган курашимиз ва сарфлаган меҳнатимиз жуда катта натижаларни берди. Урушгача бўлган даврнинг ўзида Польшада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Ғарбий Европадаги тараққий этган мамлакатлардагига қараганда 15—20 процентнигина ташкил этар эди. Эндиликда саноат маҳсулотини жон бошига ҳисоблаганда Буюк Британия, Франция, ГФР ва Италия мамлакатларининг ўртача ўсиш даражасининг 55—60 процентини ташкил этади. 1959 йили 1937 йилга нисбатан Польшада аҳоли жон бошига пўлат ишлаб чиқариш 42 дан 220 килограммга, электр қуввати ҳосил қилиш 106 дан 902 киловатт-соатга, қанд 14,7 дан 30,6 килограммга, гўшт 24 дан 52 килограммга кўпайди.

Халқ Польшасида мамлакатнинг эски қиёфасини тўбдан ўзгартириб юбораётган йирик заводлар қурилмоқда. В. И. Ленин номидаги комбинат, «Варшава» сифатли пўлат заводи, Берут номидаги комбинат, «Явожно-II» электростанцияси, Вежбицедаги цемент заводи ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Польшанинг ғарбида Турошовида Европада энг йирик бўлган энергетик комбинат қурилмоқда. Натижада Польша қолоқ, аграр мамлакатдан индустриал-аграр мамлакатга айланмоқда. Польша ана шундай индустриал-аграр мамлакатга айланишида қардошларча ёрдам қилганлари учун Совет Иттифоқидан ва бошқа социалистик мамлакатлардан зўр миннатдордир.

Ўртоқ Гомулка 1959 йили Польша Бирлашган Ишчи Партияси Марказий Комитетининг II пленумида партия қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуриш йўлини тутмоқда, бу эса фақатгина йирик, коллектив деҳқон хўжаликларини, яъни ишлаб чиқариш кооперативларини вужудга келтириш асосидагина амалга оширилиши мумкин,— деган эди.

Партия ва халқ ҳокимияти қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш мақсадида 1961—1965 йилларда қишлоқ хўжалигига сарф қилинадиган капитал маблағни аввалги даврларга нисбатан 11,2 дан 15,8 процентгача оширишни мўлжалламоқда. Шунингдек қишлоқ хўжалигини кенг равишда механизациялаштириш программаси амалга оширилади. 1965 йилнинг охиригача деҳқонлар 112 минг трактор олади.

Уй-жой проблемасига жуда катта капитал маблағ сарф қилинишига қарамасдан ҳозиргача асосий масала бўлиб қолмоқда. 1950 — 1955 йилларда мамлакат бўйича асосан давлат маблағига 1020 минг хона, кейинги беш йилликда эса 1770 минг хона қурилди.

Шунингдек мактаб қурилиши ҳам кенгайиб бормоқда. 1960 йилнинг охиригача 20 минг мактаб биноси қурамиз. Ваҳоланки 1950—1955 йиллари ҳаммаси бўлиб 8 минг 300 мактаб қурилган эди, холос. Эндиликда Польшада мактаб ёшидаги болаларнинг ҳаммаси ўқимоқда. Мамлакатимизда вужудга келган социалиқтисодий ўзгаришни характерлаб берадиган нарсалардан яна бири шундан иборатки, аҳолининг ўртача умр кўриши урушгача 50 ёш бўлган бўлса, эндиликда 65 ёшни ташкил этмоқда.

Ҳозирги Польша — бу этнографик жиҳатдан ягона давлатдир. Бундан 16 йил муқаддам қайтариб олган бизнинг Ғарбий ва Шимолий ерларимиз мамлакатимизнинг ажралмас қисмига айланди. Эндиликда мамлакатимизнинг бу қисмларида 7,6 миллион поляклар яшамоқда ва меҳнат қилмоқда.

Польшанинг ажралмас қисми бўлган бизнинг бу ерларимизни тортиб олиш тўғрисида Аденауэр типидаги авантюристларнинг бемаъни ҳаракатлари поляк халқининг жиддий ғазабини қўзғатмоқда. Эндиликда Ғарбий Германия империалистлари учун шарққа қараб юриш йўли умрбод ёпиқдир. Бу Германия Федератив Республикасининг ҳар бир гражданига маълум бўлиши керак. Ўртоқ Н. С. Хрушчев ўтган йили Польшада бўлган вақтда Одер ва Нейсадаги чегара столбаларини биз қардош поляк халқи билан биргаликда ёнмаён туриб ҳимоя қиламиз,— деган эди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг бу сўзида барча социалистик лагерь мамлакатларининг ҳамкорлиги ва бузилмас бирлиги ифода этилган.

Биз тинчликни истаймиз ва тинчлик учун курашмоқдамиз. Биз атом даврида урушларнинг инсониятни нечоғлиқ ҳалокатга олиб келажагини жуда яхши тушунамиз. Дунёда биринчи социалистик мамлакат бўлган — Совет Иттифоқининг турли ижтимоий системадаги давлатларнинг тинч-тотув бўлиб яшашлари мумкинлиги тўғрисидаги ташқи сиёсати поляк халқининг ҳаётий талабига тўла жавоб беради. Биз тўла ва ёппасига қуролсизланиш ҳамда атом ва водород қуролларини синаб кўришни дарҳол тўхтатиш позициясини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдамиз. Биз Ғарбий Германияни қуроллантиришни давом эттиришни тўхтатиш, Германия билан сулҳ шартномаси тузиш, Ғарбий Берлин проблемасини ҳал қилиш йўлида астойдил кураш олиб бормоқдамиз.

Биз ҳар доим пролетар интернационализми принципига, социалистик лагерь мамлакатларининг қардошлиги ва бирлигига содиқ бўлиб келдик ва шундай бўлиб қоламиз. Польша Бирлашган Ишчи Партиясининг раҳбарлигида биз мамлакатда Маркс ва Ленин ғоясини зўр ғайрат ва шижоат билан амалга ошира бориб, социализмнинг тўла ғалабаси сари бормоқдамиз.

Бронислав ТРОНСКИЙ,
Поляк публицисти.

Польша Халқ Республикаси. Варшавадаги Конституция майдони.
Польша Марказий фотоагентлигининг фотоси.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша залларида

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/VII да **Дилором**, 24/VII да **Чио-Чио-Сан**.

АНДИЖОН МУЗДРАМА ТЕАТРИ (Муқимий номли театрнинг ёзги биносида) — 22/VII да **Холисхон**, 23/VII да **Қайнона**.

Юртдан узоқда — қишки «ВАТАН», қишки НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), ёзги «ВАТАН», ёзги НАВОИЙ номли (кеч соат 9-10 ва 10-50 минутда), «УДАРНИК» (кеч 9-15 минут ва 11 да), ПУШКИН номли (кеч 9-10 минут ва 11 да).

Рим каникуллари — «ИСКРА», «МИР», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ФЕСТИВАЛЬ», КАФАНОВ номли (кеч соат 9-15 минут ва 11 да), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 10-40 минутда), ТЕЛЬМАН номли (кеч 9 ва 10-50 минутда).

Буюк Каруза — қишки НАВОИЙ номли (кеч соат 8-20 ва 10-20 минутда).

Биринчи кўришиш — «ИСКРА» (кеч соат 9 ва 11 да).

Алангали йиллар (кеч соат 9-10 минутда ўзбек тилида), **Аршин мололон** (кеч 10-40 минутда рус тилида) — «ОКТЯБРЬ».

«Комета» матроси — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 9-20 минутда).

Кольская кўча, 90, уйда турувчи **Майя Атаевна Бобилёванинг** 8 Март кўчаси, 40-уйда турувчи Владимир Гаврилович Бобилёвдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

22, 23 июлда

Ўзбек ашула рақс ва музика кечалари

Ўзбекистон ССР халқ артисти **Шаҳодат Раҳимова**, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Ғулом Абдураҳмонов**, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар **Қундуз Миркаримова, Эргаш Шукруллаев, Карим Алиев**, Жаҳон ёшлар фестивали лауреатлари **Клара Жалилова, Фозил Харратов**. Радио ва телевидение бошқармаси солистлари **Сирож Аминов, Алижон Ҳасанов**, филармония солистлари **Раҳима Ҳакимова, Зиёдулла Ҳамдамов, Раббим Ҳамдамов, Ғафур Инағамов**лар қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ҚИШКИ «ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА

Юртдан узоқда

номли бадиий фильм кўрсатилади.

Сеанслар эрталаб соат 10-20 минут, кундуз 12, 2, 4, кеч 6, 8 ва 10 да бошланади.

Залда вентиляция ўрнатилган.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали. Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 01956. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А. 1843.